Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

8 ИЮЛЬ, 1982 ЙИЛ ПАЙШАНБА № 156 (2.562). Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети бир қанча министрликлар корхоналари ҳамда ташкилотлари меҳнат коллективларининг АҚШ маъмурияти қилган камситувчилик ҳаракатларига қарамай, Уренгой-Помари — Ужгород магистрал газопроводини ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш борасидаги ватанпарварлик ташаббусини маъқулладилар.

Мазкур газопроводни қилғари қабул қилинган қарорларга мувофиқ барпо этишни таъминлайдиган тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилинди. Ички истеъмолчиларга газ беш йиллик планда белгиланган ҳажмларда етказиб берилади, экспорт учун газ эса тузилган шартномаларга мувофиқ, яъни 1984 йилдан бошлаб етказиб берилади.

ЭРТАГИ ВА СИФАТЛИ ПАХТА ЕТИШТИРАЙЛИК

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! Ҳамма жойда пахта етиштиришнинг Тошкент технологиясига қатъий амал қилайлик • Ғўзанинг серҳосил бўлишини таъминлаш—шу куннинг долзарб вазифаси • **Бу йилги шароитда ҳар томчи сувдан оқилона фойдаланиш дала заргарларининг бурчидир** • Зарбдор меҳнатимиз билан гулга гул, кўсакка кўсак қўшайлик • *Юбилей йили социалистик мусобақаси тобора авж олаверсин!*

ЭНГ МУҲИМ ҚУРИЛИШЛАР

Коммунистик партия халқ олдига мамлакат қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида кенг кўламли вазифаларни қўйган пайтда уларни амалга оширишда қурувчилар зиммасига анча катта роль юклайди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми маъқуллаган Озиқ-овқат программаси қишлоқда, агросаноат комплексининг ҳамма тармоқларида капитал қурилиш ишларининг кенг программасини ҳам ўз ичига олади. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладида таъкидлаб ўтганидек, бу қурилишларни мамлакатнинг зардоб ишлоотлари деб ҳисоблаш керак.

Ўн биринчи беш йилликдагина аграр-саноат комплексининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 233 миллиард сўм, ўн иккинчи беш йилликда эса халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағлар умумий ҳажмининг қариб учдан бир қисми ажратиб берилади. Бу маблағларнинг асосий қисмидан янги ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш ва ишлаб турган қувватларни реконструкция қилиш учун фойдаланилади. Маҳсулотни дастлабки қайта ишлаб берувчи кўп объектларни, склад, омборларни, чорвачилик комплексларини қуриш керак. Ўн йил ичида суғориладиган ер майдони 23—25 миллион гектар кенгайтирилади. Шу даврда 160 миллиард сўмга яқин маблағ уй-жой, йўл, мактаб ва бошқа объектлар қурилишига сарфланади.

Агросаноат комплекси барча қисмларининг мутаносиблиги — Озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга янгича ёндошишнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бу эса қурувчиларнинг ҳам зўр ғайрат билан ишлашини талаб этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг айрим турларини етиштириш билан уларни қайта ишлаш имкониятлари ўртасида ҳануз мавжуд бўлган номутаносибликни тугатиш зарур. Ўн йил ичида қишлоққа етказиб бериладиган минерал ўғитларни 1,7 баравар ошириш керак. СССР Озиқ-овқат программасида ана шундай мақсад илгари сурилган. Бу мақсадга эришмоқ учун Химия саноати министрлиги ва минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги корхоналарида мавжуд қувватлардан фойдаланишни анча яхшилаш ва кўп миқдорда янги қувватларни ишга тушириш керак, албатта. Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги корхоналарида қувватларни жуда кенг кўламда ошириш кўзда тутилади. Ўн биринчи беш йилликда бу министрлик бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва асосий фондларни ўнинчи беш йилликдагига нисбатан тахминан икки баравар кўпроқ ишга туширши зарур.

Агросаноат комплексининг планлаштирилган барча объектларини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ишга тушириш, беш йилликнинг бошида йўл қўйилган қолоқликни тугатиш— қурувчилар, ишчилар, инженерлар, хўжалик раҳбарлари кўп миллионли отрядининг шарафли ишидир. Қисқа вақт ичида энг кўп озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш имконини берадиган объектларни ўз вақтида ишга туширишга кўпроқ эътибор бериш лозим. Маҳаллий партия ва совет органлари, касаба союзлари ва комсомол қишлоқ хўжалиги қурилишларида ва унга хизмат кўрсатадиган тармоқларда ишни яхши йўлга қўйиш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари керак.

КПСС Марказий Комитети қурувчилар, монтажчилар, лойиҳачилар ва Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги коллективларининг ташаббусини маъқуллади. Улар Харьков областидаги трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарини тезроқ ишга туширишнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқдилар. Кўп қурилишларда «ишчилар эстафетаси» кенг жорий этилди. Бу эстафетада машинаускуна, конструкция ва материалларни етказиб берувчи корхоналар, транспортчилар ҳам қатнашмоқда. Масалан, Краснодар химия заводида минерал ўғит ишлаб чиқарувчи комплексни қураётган 52 коллектив - шу қурилиш буюртмаларини пухта бажариш тўғрисида ўзаро шартнома тузди. Моддий ресурсларни объектларга тўплаш, қурилишнинг узель методи, машина-ускуналар ва конструкцияларни йирик блокли қилиб монтажлаш, пардозлаш ишларини комплекс механизациялаш — буларнинг ҳаммаси белгиланган муддатлардан ўзиб кетишга ёрдам беради.

Аммо умуман олганда бу тармоқда планлар тўлиқ бажарилмаётир. Ефремов химия заводида, Ровно трактор эҳтиёт қисмлари заводида, Шушенское сут-консерва комбинатида ва бошқа кўп объектларда иш пайсалга солинмоқда. Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Қурилиш министрликлари ва Қишлоқ хўжалик министрлигининг бўлинмалари колхоз ва совхозлар яқинидаги кичик корхоналар учун йигма бинолар қурилишини шу пайтгача йўлга қўймаган. Аҳволни кескин суратда яхшилаш керак.

Юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун мусобақани кенг авж олдириш, бу мусобақанинг яхши пировард натижаларини қўлга киритишга ёрдам беришига эришиш-қурилишлар ва буюртмачи корхоналар партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг бевосита бурчидир. Қурилишларда партия ва касаба союз штабларини, муваққат партия группалари ва партия ташкилотларини тузиш одатда катта самара беради. Бригада хўжалик ҳисобини, Белоруссиядаги, Саратов ва Одесса областларидаги қишлоқ қурилишлари илғор коллективларининг тажрибасини зўр ғайрат билан кенг ёйиш керак. Ана шу коллективлар ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг илғор формаларини— вахта методини, иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш усулини муваффақиятли суратда қўлланмоқдалар.

Қурилишни бошқаришни такомиллаштириш — энг муҳим вазифаларнинг биридир. Қучайратни асосий йўналишларга тўплаш, маблағлар, моддий ва меҳнат ресурсларининг сочиб юборилишига йўл қўймаслик муҳимдир. Баъзи қишлоқларда турли лойиҳа институтларининг кичик филиаллари ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда вужудга келтирилаётганлигини, колхозлараро ва давлат пудратчи ташкилотларида қурилиш индустриясининг базалари ягона планга риоя қилинмай кўпайтирилаётганлигини анализ кўрсатиб турибди. Аграр-саноат комплексини бошқарувчи махсус органлар вужудга келтирилиши муносабати билан қишлоқларда хўжалик усули билан қурилиш ишларини ҳам шунга мувофиқ ташкил этиш лозим.

Бу проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш учун хўжалик юритишнинг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маълум қарорида кўзда тутилган мукаммалроқ методларини дарҳол жорий этиш зарур. Капитал қурилиш ишлари планлари ҳозирча кечиктирмо тузилмоқда ва пудратчи ташкилотларнинг қувватлари билан ҳамма ҳам мутаносиб олиб борилмоқда, деб бўлмайди. СССР Госсанқи қурилишлари лойиҳалар ва сметаларда белгиланадиган талаб эҳтиёжга мувофиқ таъминлаш йўлига ўтказишни тезлатиши керак. Пудратчиларни фаолиятини назорат қилишгина қолмай, капитал қурилиш ишларини пул билан таъминлашдаги нуқсонлар учун жавоб бериш ҳам банк муассасаларининг бурчидир.

Иккинчи квартал тамом бўлди, ишлоотларни ишга туширш арафасида турибмиз. Аграр-саноат комплекси ишлоотларини тезроқ қуриш тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, иш сифатини қунт билан ошириш — шу куннинг талабидир. Қурувчилар СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга, КПСС XXVI съезднинг қарорларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшишлари керак.

(«Правда»нинг 7 июлдаги бош мақоласи).

Қўриқ Арнасой районидаги Ворошилов номли совхознинг 4-бўлими заршунослари ғўзаларни баравж ўстиришга эришмоқдалар. Бу ерда барча агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли ўтказилаётир. Экинлар парваришида айниқса, механизаторлар жасорат кўрсатмоқдалар. Улар ҳозиргача ғўза қатор ораларига ишлов бердилар. Дала гвардиячилари меҳнат беллашувида тажрибали механизатор Норжигит Ҳайдаров пешқадамлик қилаётир. У ҳар куни 9—10 гектар майдондаги ниҳоллар ва сифатли ишлов берилди.

Суратларда: 1. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти. 2. Илғор механизатор Н. Ҳайдаров.

Р. Холбўтаев фотолари.

ТОМЧИСИ ЗАР

Бир неча йилдирки чўлга чиқиб деҳқончилик қиляпман. Пахтадан юқори ҳосил олиш учун қаҳратон қишда ҳам, жазирама иссиқда ҳам далаларда бўлиб барча юмушларни амалга ошираман. Мана бир неча йилдирки, ғўза сувга ташналик сездими дарҳол экинларни қондириб суғоришни бошлаб юбораман. Очиғини айтганда ғўзаларни суғоришнинг ўзи ҳам бир санъатдир. Мен бунга қатъий амал қилган ҳолда ишлаётирман. Сувчиликнинг машаққатини фақат мўл ҳосил етиштираётган миришкоргина яхши билади. Сувчилик ниҳоятда сермашаққат ва нозик касбдир. Ҳақиқатдан ҳам улар ўз ҳузур ҳаловатларидан кечиб, кунларни тунларга улаб иш тутадилар.

Мен меҳнат қилаётган бригадага Гулмурод Одилов бошчилик қилади. Экин майдонимиз 55 гектар. Ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олганмиз. Шу кечакундузда экинлар бешинчи культивациядан чиқарилиб, Биз сувчилар учинчи оби-ҳаёт тарашни бошлаб юбордик. Сувни асосан оқизиб, картани у бошидан бу бошига бошқариб бораман. Шу йўл билан бирор жойда ғўзаларни бостириб суғоришга йўл қўймайман. Бир неча йиллик иш тажрибамда бунга ишонч олганман.

Айниқса бу йилги шароитда сувнинг ҳар томчиси зар ҳисобланади. Уни қадрлаш керак. Мавжуд сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, ниҳоллари қондириб суғориш тадбирларини белгилаймиз. Ўсимликларга оби-ҳаёт тарашдан олдин пайкалларни текис бўлишини таъминлаймиз. Бутун диққат-эътибор ғўзаларни мириқиб сув ичишига қаратилади. Ҳамкасбларим Иннат Тиркашев, Худоёр Қўзиевлар ҳам ҳар қатра сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб ғўзаларни кунда бир яшнатяптилар. Шу йўл билан ғўзаларнинг тўқ кўсак боглашига эришяпмиз.

Э. КУЧАНОВ,
Усмон Юсупов районидаги «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхозининг сувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда кўп йил самарали ишлаганлиги ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Самарқанд область Ургут районидаги «Москва» колхозининг раиси ўртоқ Аброр Тўрақуловга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитети область партия архивининг мудири ўртоқ Евдокия Алексеевна **Кузнецовага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун Қашқадарё область Қарши район кинотеатрлар ва кинуустановкалар дирекциясига қарашли С. Раҳимов номли кинотеатрнинг киномеханиги ўртоқ Ҳасан **Тўйчиевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми мева-сабзавот хўжалиги системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли Москва райони вино заводининг директори ўртоқ Зоя Димитриевна **Десятованн** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПРОПАГАНДИСТНИНГ ЭҲТИРОСЛИ СЎЗИ

БУТУНИТТИФОҚ «БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг 7 июль куни Катта Кремль саройида ўз ишини тамомлаган VIII съезди Ленин партиясининг эҳтиросли сўзини ҳалққа етказиш, партиянинг сиёсатини моддий кучга, амалий ишларга айлантиришга актив ёрдам беришдек олижаноб вазифа учун юксак жавобгарликни ҳис этиш руҳида ўтди. Делегатлар уч миллиондан ортиқ — пропагандистлар отрядининг фаолиятига юксак баҳо берганлиги учун КПСС Марказий Комитетига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор қилиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда бундан буён ҳам партиянинг ишончли ёрдамчилари бўлишга тайёр эканликларини айтдилар.

Партия XXVI съезднинг материалларини, КПСС Марказий Комитети ва 1982 йил май Пленумининг қароларини пропаганда қилишни такомиллаштириш, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат коллективларини сафарбар қилиш масалалари съезднинг диққат марказида турди.

«Билим» жамиятининг ташкилотлари социализм ғалабаларининг тарихий моҳияти ва кўламларини совет кишилари онгига сингдиришлари, тузумимизнинг инсонпарварлик табиатини, социализмнинг капитализмга нисбатан афзаллигини сабот-матонат билан очиқ кўрсатиб беришлари лозим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Докладларни муҳокама қилишда Туркманистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг раиси, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Г. Бобоев, СССР маориф министри М. А. Прокофьев, СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти Т. Н. Хренников, Литва ССР «Билим» жамияти правлениесининг раиси, СССР Фанлар академиясининг академик ижтимоий фанлар бўлимининг академик секретари В. Ю. Нюнка, СССР ташқи ишлар министрлиги дипломатик академиясининг ректори С. Л. Тихвинский, «Ленполиграфмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Ф. Захаров ва бошқа делегатлар қатнашдилар.

Съездни чет эллик меҳмонлар — Георгий Кирков номидаги илмий билимларни тарқатиш жамияти Болгария Республика кенгаши раиси Н. Стефанов, ВХР илмий билимлар тарқатиш жамияти раисининг ўринбосари Г. Шоош, ВСР илмий-техника билимлари тарқатиш жамиятининг раиси Ле Кхак, ГДР «Урания» жамиятининг президенти Э. Лейбниц, Куба Компартияси Марказий Комитети революцион ориентатция бўлимининг масъул ходими Роберто Тараско Вильчес, МХР илмий билимлар тарқатиш жамияти правлениесининг раиси Ц. Пунцагноров, ПХР илмий ва сиёсий билимлар тарқатиш жамиятининг раиси Я. Гурский, РСР маданият ва социалистик тарбия кенгаши оммавий-маданий иш бошқармасининг директори Г. Константин, ЮСФРдаги Никола Тесла номли илмий билимлар тарқатиш жамиятининг раиси А. Васильевич, ЧССР социалистик академиясининг раиси В. Румл табрикладилар.

Съезднинг якунловчи мажлисида КПСС Марказий комитетининг секретари М. В. Зимянин, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. И. Марчук, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Е. М. Тяжельников, В. Ф. Шауро иштирок этдилар.

Академик Н. Г. Басов якунловчи нутқ сўзлади. Съезд Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг фаолиятини бир овоздан маъқуллади. Ревизия комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди, ҳисобот доклади юзасидан қарор қабул қилинди.

Жамият правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги состави сайланди. Академик Н. Г. Басов, правление раиси иқтисод фанлари доктори А. С. Довба ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Съезд баёнот қабул қилди. Бу баёнотда Исроилнинг бевосита АҚШнинг мадади билан амалга ошираётган Ливандаги вахшиёна агрессиясига қарши ғазаб билан норозилик, қонли киреинни тўхтатиш тўғрисида қатъий талаб изҳор этилган.

Съезд жамият уставига киритиладиган ўзгартишларни тасдиқлади.

Съезд делегатлари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НАМАНГАН, 7 июнь (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Наманган область Советининг бугун бўлиб ўтган биринчи сессиясида КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида»ги докладида баён этилган кўрсатмаларни бажариш соҳасида область маҳаллий Советларининг вазифалари муҳокама этилди.

Ташкилий масала кўриб чиқилди. М. Обидшоев халқ депутатлари Наманган область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

САХИЙ ДАЛАЛАР ҚЎШИҒИ

Пайкал ўртасида иккимиз турибмиз. Шу даланинг сеҳркори Қодиржон ва мен. У жим, мен жим. Хаёлларига урилгим келмайди. Озгина сабр қилай, эҳтимол юбилей йилидаги орзу-истакларини қалбига тугар.

—Қайси фаслни севасиз? —суҳбатимизга сарлавҳа қўйди Қодиржон.

— Эрталикка ўрғатган фаслни.

Жавобимдан унинг чеҳраси ёришиб, юзларида табассум балқиди.

—Менга эса ёз ойлари ёқади, —дейди суҳбатдошим.

Дарҳақиқат, ёз ойлари... Мен Қодиржон билан бундан тўрт йил муқаддам июнь ойининг оқшомида учрашган эдим. Унда у звено бошлиғи бўлиб ишларди. Сувчилар етишмаганда ўзи сувчилик ҳам қиларди.

Июнь оқшомлари пахтазорни кезганмисиз? Пахтазорнинг шабадада шовуллашига қулоқ тутганмисиз? Ғўза шоналари аста-секин гулга айланганини кўрганмисиз? Қодиржоннинг июнь оқшомига ихлоси ҳам ана шундан бўлса керак.

Қодиржон ям-яшил даласига тикилиб бир-икки қадам илгари юраркан, шу кенг даласида ўз ўйларига мени шерик қилиб борарди. Пахтага эътиқоди кучли бу йигитнинг шодлиги ҳам, ташвиши ҳам юксак.

—Пахта тақдирини уч нарса ҳал қилади, — дея оҳиста гап бошлади у. —Бу сув, ҳарорат, ўғитдир.

Лекин шу топда у энг муҳими, деҳқон меҳнати, ҳар туп ниҳолга бўлган унинг меҳру-муҳаббатини пинҳон тутди. Қодиржон Исметов иккинчи йил бригадага бошчилик қилиб, у аввал звено бошлиғи бўлиб ишлаганда ҳосилдорликни оширишда бой тажриба тўплаган. Бригадир деҳқончилик мактабида ўқимаган. Деҳқончиликнинг ўзи унинг ҳаётига кириб келган. Бригада бошлиғида яхши бир тажриба бор. У ҳар йилги тажрибани, деҳқончиликдаги афзаллик ва машаққатли томонларни ён дафтарига ёзиб боради.

Ўтган йили ҳар гектар ердан 45 центнердан хирмон кўтариш ташаббуси билан чиқиб, бу борада илғор бригадир Илҳом Миёновни меҳнат беллашувига чақирган эди. Ҳар икки бригада бошлиғи ҳам ўз ваъдасига вафо қилиб, социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Бу йил улар ўз анъаналарига содиқ қолиб, гектаридан 50 центнердан хирмон кўтариш учун курашишяпти. Бригадада эса фақат тўрт киши меҳнат қилади. Булар Сайдали Хусанбоев, Ҳабибулла Султонов, Мирзакарим Чиншўлатов ва бригада бошлиғининг ўзи Қодиржон Исметовдир. Қодиржон бригадага бошчилик қилиш билан бирга ўзи культивация ўтказса, қолган уч киши ғўзага сув тарайди, чопиқ ва ягана қилади. Хуллас, улар икки қулоқ майсани оппоқ даллага айлантиргунча тинним билмайдилар.

—Ҳар кимнинг ҳаётда устози бўлади, —дейди Қодиржон. —Менинг пахтачиликдаги устозим Азиз Чахаловдир. Звено бошлиғи бўлган вақтимда тадбиркор коммунист, пахтачилик жонкуяри бўлган бу азиз инсондан дур ундириш сирларини ўрганганман. Бу йил ҳам унинг изидан бориб, ҳар гектар майдонда 120—125 минг туп кўчат қолдирдик. Одатда ҳосил кўчатдан олинади. Кузда кўсак санайдиган деҳқон—баҳорда кўчат санаши керак.

Чиндан ҳам бригадир айтганидек деҳқончиликда ҳалол ишлаган киши доимо кўзлаган маррасига етади. Устоз ўгитига амал қилиш, билмаганларини тортинмай сўраш, ҳосилдорликни оширишга бўлган ишонч, инсон қудрати мушкулотларни ҳар вақт енгиб келган. Бунга бахмал далалардаги ғўзаларга боқиб яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Шу кунга қадар бригадада ғўза қатор ораларига учинчи комплекс ишлов берилди. Ғўзалар икки марта оби-ҳаётга қондирилди.

Пискент районидаги Тельман номли колхозда бундай бригада бошлиқлари кўпчиликни ташкил этади. Азиз Чахалов, Ортиқбой Мавлонов, Қаршибой Баратов, Назира Алимбоева, Илҳом Миёновлар шулар жумласидандир. Бу бригада аъзолари ҳам ғўза парваришини шу кун талаблари асосида олиб боришмоқда. Деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар кундан-кунга яшнаб, гулга-гул, кўсакка кўсак қўшмоқда. Мазкур бригада бошлиқлари ҳам СССРнинг 60 йиллик юбилейига муносиб тўёна тайёрлаш мақсадида гектаралар ҳосилдорлигини 50—55 центнерга етказиш учун курашмоқда.

Шундай азаматларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли колхозда пахта ҳосилдорлиги ортиб боряпти. Колхоз заршуносларининг бу йил давлатга 4300 тонна дур жавоҳир топшириш ишқида ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Ана шундай колхозчилар сафида аҳид, ишбилармон Қодиржон Исметов бошчилик қилаётган бригада аъзолари ҳам бор.

Ана, Қодиржон дала кезиб юрибди. У ғўзаларга ишлов бераётган, обу ҳаёт тараётган ҳамкасблари билан суҳбатлашиб қайтаркан: янги орзу-истаклар билан тўлибтошган қалбида сирли далалар гўё ажиб бир қўшиқ куйлаётгандек эди. Ҳа, бу сахий далалар ўз эгасига кузда уюлажак 50 центнерлик ҳосил қўшиғини куйларди.

А. ФОЗИЛОВ.
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МАЪМУРЧИЛИКНИНГ МУҲИМ РЕЗЕРВИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида совет кишилари ҳаётий эҳтиёжларини қондириш партиямизнинг энг муҳим программ талаби бўлди ва шундай бўлиб қолади деб таъкидлади. Озиқ-овқат программасининг мақсади мумкин қадар қисқа муддатларда аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлашдан иборатдир. Бу фақат иқтисодий вазифа бўлибгина қолмай, балки айни пайтда долзарб социал-сиёсий вазифа ҳамдир.

Бизнинг министрлигимиз республикадаги ҳамма областларда ёрдамчи хўжалик ташкил этди. Қисқа муддат ичида қорамол ва паррандалар учун қулай бинолар қурилди, чорвадорлар учун посёлкалар бунёд этилди. Бу ишларга қариб 20 миллион сўм маблағ сарфланди.

1980 йилда Тошкент шаҳри яқинида жойлашган 10 минг бош чўчқага мўлжалланган комплекснинг биринчи навбати ишга туширилди. Ҳозирги пайтда комплекснинг иккинчи навбати қурилиши поёнига етказилянти. Ишлаб чиқариш объектлари ёнида шинам турар-жой бинолари, мактаб, болалар боғчаси, кўркам кўчалар пайдо бўлмоқда. Чўчқачилик комплекси коллективи эришаётган натижалар ҳам чакки эмас. Бултур улар 483 тонна гўшт етиштиришди, шу йилнинг беш ойи мобайнида эса бу кўрсаткич 246 тоннани ташкил этди.

Тошкент областида партия ва совет органлари, қурилиш ташкилотларининг яқиндан берган кўмаги туфайли замонавий чўчқахона ва паррандахоналар қад ростлади, шуларнинг базасида Тошкент область ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси қошида 6 та ёрдамчи чўчқачилик хўжалиги ва бўйнча қаттагина тажриба тўпладилар.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги системасида 33 ёрдамчи чорвачилик ва паррандачилик хўжалиги мавжуд, уларда 55 мингдан зиёд чўчқа, 3 мингдан зиёд қорамол ва қўй ҳамда эчки, 108 минг парранда боқилмоқда.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК—КОНИ ФОЙДА

Чирчиқ ҳамда Янгийўл шаҳарлари савдо идораси қошида иккита паррандачилик фабрикаси барпо этилди. Янгийўл ошхоналар трестининг ёрдамчи хўжалигида 5 минг бош чўчқага мўлжалланган бино, чорвадорлар учун уй-жой, идора қурилди, артезиан қудуғи қазилди. 60 минг бош бройлерга мўлжалланган иккинчи навбати қурилиши тугалланмоқда.

Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида министрлигимиз системасининг Тошкент областидаги ёрдамчи хўжаликлари 160 тонна гўшт етиштирдилар.

Қашқадарё область ижроия комитети савдо бошқармаси ва Когон шаҳар савдо идораси чорвачилик бинолари қуриш, чўчқалар сонини кўпайтириш, гўшт етиштириш бўйнча қаттагина тажриба тўпладилар.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги системасида 33 ёрдамчи чорвачилик ва паррандачилик хўжалиги мавжуд, уларда 55 мингдан зиёд чўчқа, 3 мингдан зиёд қорамол ва қўй ҳамда эчки, 108 минг парранда боқилмоқда.

1981 йилда ёрдамчи хўжаликлар 2166 тонна гўшт, 1389 минг дона тухум, 1627 центнер сут етиштирдилар. Ўтган йил мобайнида Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов район ошхоналар трести, Қарши ошхона ва ресторанлар трести, Когон шаҳар савдо идораси ва Наманган умумий овқатланиш трести ёрдамчи хўжаликлари коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирландилар.

Тўғри, эришаётган ютуқларимиз шубҳасиз. Улар янги резервлардан дарак беради. Бироқ шу билан бирга қатор ёрдамчи хўжаликларда йўл қўйилаётган камчиликларни четлаб ўтмаслигимиз керак. Чўчқа гўшти етиштиришда озиқ-овқат чиқиндиларидан фойдаланиш соҳасидаги ишлар ҳали талабга жавоб бермайди. Бухоро, Термиз, Қўқон ва Фарғона умумий овқатланиш трестларининг ёрдамчи хўжаликлари чўчқа олиш бўйича 1981 йил топшириқларини бажара олмадилар. Андижон трести ёрдамчи хўжалигида эса чўчқалар сони 1980 йилдагидан деярли 200 бош камайиб кетди. Бухоро ва Марғилон умумий овқатланиш трестлари хўжаликларида ҳам моллар сони камайди. Кўпчилик хўжаликларда зооветеринария қоидаларининг бузилиши, молларни нотўғри парваришлаш ва озиқлантириш оқибатида нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Айрим хўжаликларда ем-хашак нобуд бўляпти ва моллар яхши семирмаяпти. Каттақўрғон, Гулистон, Ангрен умумий овқатланиш трестлари хўжаликларида чўчқаларнинг ўртача суткалик семириши ҳануз 200 граммдан ошмаяпти, ҳолбуки айни пайтда илғор коллективларда бу кўрсаткич 400 грамм ва ундан ҳам кўпни ташкил этаётир.

Афсуски баъзи ёрдамчи хўжаликларда озуқа етиштириш учун ажратилган экинзорлардан унумсиз фойдаланиляпти. Жиззах, Сирдарё, Андижон областлари савдо бошқармаси хўжаликлари беда, дон учун маккажўхори, лавлагидан паст ҳосил олиляпти. Ёрдамчи хўжаликларнинг вазифаси — умумий овқатланиш корхоналаридаги озиқ-овқат чиқиндиларидан чорва озуқаси сифатида кўпроқ фойдаланишдир. Бу айниқса, Бухоро, Ленин, Янгийўл, Бекобод, Жиззах, Термиз умумий овқатланиш трестларига тааллуқлидир, мазкур трестлардаги ёрдамчи хўжаликларда чўчқалар рационида чиқиндилар салмоғи 25 процентдан ошмайди.

Тошкент шаҳрида озиқ-овқат чиқиндиларини тўплаш ва молларга едириш бўйнча мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси қошидаги озиқ-овқат чиқиндиларини йиғиш бўйнча хўжалик ҳисобидаги идора етарли миқдорда машинага эга бўлмаганлиги сабабли аҳолидан нон чиқиндиларини, ошхоналар, айниқса, мактаб ва ўқув юртлари, касалхоналардан озиқ-овқат чиқиндиларини, бозорлар, мева-сабзавот комбинатлари, магазинлардан мева-сабзавот чиқиндиларини тўла йиғиштириб ололмаяпти. Буларнинг ҳаммаси ниҳоятда натижада гўшт етиштириш таннархининг ошишига сабаб бўлаётир.

Яқинда министрлигимиз коллегиясида ёрдамчи хўжаликлардаги камчиликларни бартараф этиш ва ишни яхшилаш бўйнча қатор тадбирлар белгиланди. Беш йилликнинг иккинчи йилида Озиқ-овқат программасини амалга оширишга янада салмоқли улуш қўшиш вазифаси олдинга қўйилди. Шундай қилиб савдо системаси ходимлари ҳам СССРнинг Озиқ-овқат программасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга бевосита ҳисса қўшишга аҳд қилишди.

Министрлигимиздаги ёрдамчи хўжаликлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, бу йил гўшт етиштиришни 2400 тоннага, 1985 йилда эса 4000 тоннага етказишга сўз беришди. Бу марраларнинг эгалланишига асло шубҳа йўқ.

Н. ДАВИДОВ,
Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари.

Пахтаобод районида иккі миллион паррандага мўлжалланган ўрдакчилик фабрикаси қуриляпти. Уни 24-қурилиш трестига қарашли 80-механизациялашган кўчма колонна коллективи олиб бораяпти. Бунёдкорлар фабриканинг 50 минг бройлерга мўлжалланган биринчи навбатини қисқа муддатларда фойдаланишга топширдилар. Ҳозир паррандабоқарлар 750 тонна парҳез гўшт етиштириш учун фидокорона меҳнат қилишяпти.

Суратда: инкубация цехининг операторлари Лола Сирожиддинова ва Зуҳра Маманазаровалар иш устида.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

МАККАЖЎХОРИ МЎЛ БЎЛАДИ

Дашт шамоли Толимаржон районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз маккажўхоризорларига иссиқ нафасини уфурарди. Бўйи икки метрдан ошадиган экинлар хиёбонни эслатади.

—Экинлар ўз вақтида суғорилиб, ўғит билан озиқлантирилса қандай натижага эришиш мумкинлигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз,— дейди совхоз директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рўзи Аҳмедов, —биз бу ерда биринчи марта Қарши даштидан ўзлаштирилган 1500 гектар майдонга маккажўхори экдик.

Кўриқ ўлкада илгари бунчалик катта майдонда маккажўхори экмаган эдик. Совхозимиз областда маккажўхорини дон учун экишга ихтисослаштирилган саккизта хўжаликдан биридир. Совхоз шу йил март ойида ташкил этилган.

Баҳорнинг биринчи ойидан бошлабоқ ишга киришдик. Машина-ускуна ва уруғлик олдик. Ташаббускорлар ҳам майдонга чиқди. Қўшни хўжаликлардан ёш мутахассислар Маҳбуба Саидвалиева, Назира Файзиева, Намашо Хушмуродов, Чори Пирназаровларнинг ҳар бири бригадаларга бошчилик қилишди. Тошкент, Андижон, Фарғона областларидан ва Тожикистондан мутахассислар келишди.

Хўжалик деҳқонлари республикадаги энг яхши маккажўхорикор коллективлар тажрибасини ўрганиб, уни дашт шароитида жорий этмоқдалар. Деҳқонлар маккажўхори майдонларига қатор оралаб ишлов беришни қисқа муддатларда ўтказдилар. Ҳар гектар майдонда 55 мингтадан ўсимлик қолдирилди.

Ҳар бир ўсимликда бўлиқ сўталар ҳосил бўлиши ва дони йирик бўлиши учун ортиқча шохлари олиб ташланди.

Ҳар гектар майдонга ўғит агрохимия картограммаларини ҳисобга олган ҳолда оширилган миқдорда солинмоқда. Шарт суви бериб суғориш мажбурий қилиб қўйилди. Об-ҳавога қараб экинларни неча марта суғориш кераклиги белгиланади. Ҳозирги вақтда майдонларга олти марта комплекс ишлов берилди, уч марта суғорилди. Орадан бир ой ўтгач, сўталар пишиб етилади.

(ЎзТАГ мухбири).
Қашқадарё области.

ДОН—РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

КАРВОН КЕЛАР КАРВОН КЕТИДАН

Шеробод дон қабул қилиш корхонаси байрамлардагидек безатилган. Ол байроқлар шабадада ҳилпираб турибди. «Дон — ризқ-рўзимиз», «КПСС Марказий Комитети май Пленуми қароларини амалга оширамиз» каби шиорлар нўринарли жойларга илиб қўйилган. Дон ортилган автомашина ва трактор тележкаларининг сони эса юздан ортиқ. Юбилей йили ҳосилини деҳқонлардан қабул қилиб олиш бу ерда ҳар йили байрамдек қувончли ва ҳаяжонли бошланади. Мана, бўгун ҳам худди шу ғиғана давом эттирилмоқда. Район партия комитетининг биринчи секретари Х. Муродов, совхозларнинг директорлари ҳам юбилей йили ҳосилини давлатга топшириш шодиёнасида қатнашиш учун бу ерга келганлар.

Дон ортилган карвон корхона дарвозаси томон яқинлашмоқда. Биринчи постга келганда эса арпа, бўғдой ортилган автомашина, трактор тележкаси тўхтатилади. Бу ерда лаборантлар — Рўзибой Раҳамов ва Ҳамид Ражабовлар ҳосилнинг тозалигини, намлигини кўздан кечирадилар. Келтирилаётган ғалла эса тоза, қуёш нурида кўзни қамаштиргудек. Намлиги — 11—12 процентдан, ифослиги эса 3—3,5 процендан ошмаётир. Биринчи постдан ўтган дон дарвозага келади. Дарвозадан ичкарига кириш билан тарозибон Жўра Алламуродов ҳосилни тарозидан тўхтатмоқда. Бундай олганда, деҳқоннинг қандай меҳнат қилганлигига ҳақиқий баҳо худди шу ерда берилаётгандек.

Гагарин районида ғаллакорлари етиштирилган ҳосилни ўришни ҳам областда биринчилар қаторида бошлаган эдилар. Бутун эса биринчилардан бўлиб давлатга дон топширишни бошлаб юборди-лар. Дастлабки куниёқ корхона дарвозасидан дон ортилган қарийб 150 автомашина ва трактор тележкаси кириб чиқди. Дон ортилган автомашиналар ичида энг салмоқлиси «Пограничник» совхози ғаллачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эшмамат Бўриев даласидан келтирилган бўғдой бўлди. Бир куннинг ўзидаёқ бригада даласидан 200 тонна сара бўғдой топширилди. Бригада аъзолари бундан ташқари, давлатга 300 тонна бўғдой топшириб, социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Шу нарса қувончлики, уста пахтакор ўтган йили пахтачиликдан ғаллачиликка ўтиб меҳнат қила бошлаган эди. У ғаллачиликда ҳам яхши ишлаб, 200 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди. Ҳозир ҳар гектар майдондан йиғиштириб олинган ғалла ҳосили 65 центнерни ташкил этмоқда. Бригада аъзолари 1300 тонна бошоқли дон етиштирдилар. Донсан бўшаган ер эса пешма-пеш шудгор қилиниб, маккажўхори экилади. Улар ҳар гектар ердан 80 центнердан маккажўхори дони олиш учун кураш олиб боришади. Ҳа, ташаббускор ғаллакорлар партиямиз Марказий Комитетининг май Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программаси вазифаларини ана шундай собитқадамлик билан бажармоқдалар.

Район ғаллакорлари биринчи куниёқ давлатга 750 тонна сара арпа ва бўғдой топширдилар. Бундай олганда йиллик план шараф билан бажарилди. Лекин ғагаринликлар бу йил 2600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 50 центнердан бошоқли дон олиб, 3 минг тоннасини давлатга топширишга аҳд қилганлар. Ҳозир ғаллазорларда қилинаётган меҳнат ана шу юксак аҳдга яраша ташкил этилган. 41 та комбайн юқори унум билан ишлатилмоқда. Уларга ҳатто бойсунлик комбайнчилар ҳам ёрдамга келганлар. Етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш чоралари кўрилмоқда. Район партия, совет ташкилотлари ғалла ўримини узоғи билан яна бир ҳафта ичида тамомлаш чораларини кўришяпти. «Комсомолобод» совхозидан Нурбой Кенжаев, Жума Нодиров, «Навбаҳор» совхозидан Хуррам Дўсматов, Жовли Бўриев, «Советобод» совхозидан Қувондиқ Қувонқулов, «Партия XXIV съезди» совхозидан Қурбон Давлатов, Тоштемир Знёев, «Правда» совхозидан Бобоқул Олтиев, Турсоат Султонов каби комбайнчилар етиштирилган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Хирмонларда қуритилган ҳосилни дон қабул қилиш корхонасига ташиб келтириш учун етарли транспорт ажратилган.

— Давлат планининг бажарилиши — ишимизнинг бошланиши холос, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Х. Муродов. — Бошоқли донинг ўзидан яна 2250 тонна топширамиз. Хўжаликлар келгуси йил ҳосили учун сара уруғлик ҳам тайёрлайдилар. Бир қисм дон эса жамоат чорвачилиги учун қолдирилади.

Ҳа, давлат дон омборига келаётган ғалла карвонлари-нинг кети узилмаётир. Бу карвонлар энди кеч кузгача келаверади. Фақат арпа, бўғдой, эмас, унинг кетидан «қаҳрабо дон», «қирмизи дон» ортилган дон карвонлари ҳела бошлайди. Хуллас, бу йил район ғаллакорлари, маккажўхорикорлари ва полиқорлари давлатга 25 минг тонна ғалла, маккажўхори ва шоли топширишдек юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармагунча тинич-тинчимайдилар.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мух. бири.

ФЕРМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

СУРХОНДАРЁ. Жарқўрғон райони хўжаликларида гўштга топширилаётган чорва молларни яхшироқ семиртиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Район колхоз ва совхозлари давлатга шу кунга қадар 1380 тоннадан ортиқ гўшт етказиб бердилар. Бу ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 48 тонна кўпдир. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 438 килограммдан тош босди. «Сурхон» совхози, «Коммунизм» ва Бойтмуродов номли колхозларда бу кўрсаткич 445—450 килограммни ташкил этди. Район чорвадорлари бўрдоқиларни жадал семиртириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

А. ШОИМУРОДОВ.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ. Толлимаржон районидаги маккажўхоричиликка ихтисослашган Ҳамза номли совхоз далаларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Узаро мусобақада Назира Файзиева бошлиқ бригада пешқадамлик қиляпти. Бригаданинг Тожиддин Эргашев, Мамаюнус Тўйчиев каби илғорлари экинни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Шу кунларда ниҳоллари оби-ҳаётга қондириш учун сувчиларга ёрдамлашишяпти. «Шарбат» суви берилгандан кейин экин яна авж олди. Миришкорлар ҳар гектар ердан 120 центнердан «қаҳрабо дон» ва 450 центнердан кўкпоя олиш ниятида тер тўкишяпти.

Ш. СУЛТОНОВ.

ҚИШЛОҚ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ КУТМОҚДА

Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ишлаб чиқариш корхоналаридами, колхоз ва совхозлардами, қаерда бўлмасин, юқори меҳнат самарадорлигига эришиш кўп жиҳатдан ўша жойлардаги кадрларнинг билими, иқтидори ва малакасига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жадал ривожланаётган, уни замонавий техника воситалари билан таъминлаш тобора ошиб бораётган ҳозирги пайтда колхоз, совхоз ва паррандачилик фабрикаларини оммавий касблар эгаси бўлган юқори малакали кадрлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Кадрларни тайёрлашда ўқитишнинг турли формаларидан кенг фойдаланилмоқда. Чуночи, кадрлар қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари, бевосита колхоз ва совхозларнинг ўзида жойлашган ўқув ишлаб чиқариш курслари, шунингдек, умумтаълим мактабларида тайёрланмоқда.

Пойтахт Тошкент областида ўнинчи беш йиллик мобайнида ва 1981 йилда саккизта янги қишлоқ ҳунар-техника билим юрти ташкил этилди. Ҳозирги вақтда областда 19 та билим юрти бўлиб, улардан 16 таси ўрта махсусдир. Шу давр мобайнида мавжуд қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида 23,9 минг юқори малакали кадрлар тайёрланди. Фақатгина ўтган йили область қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари республика қишлоқ хўжалик министрлиги системаси учун қарийб беш минг нафар турли касб-кор эгаси бўлган ёш ишчи тайёрлаб берди.

Механизаторлар район кўриклари, илғор тажриба мактаблари, ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида, Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си район бирлашмалари қисқа курсларида, шунингдек, бевосита колхоз ва совхозларда прогрессив индустриал технологияни ўрганадилар. Улар билан илмий тадқиқот муассасалари олимлари, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ўқитувчилари, область ва район қишлоқ хўжалик бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари ҳамда ишлаб чиқариш илғорлари машғулотлар олиб боришади.

Механизатор кадрлар муайян колхоз ёки совхозга ишга юборилар экан, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва меҳнатни нормалаштириш катта аҳамиятга эгадир. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари бу муҳим, давлатга аҳамиятга эга бўлган масалага ҳамиша алоҳида эътибор беришяпти. Бинобарин, механизаторларнинг малака, маҳоратига қараб, хўжаликдаги узлуксиз иш стажи, техникани яхши сақлаб, унумли ишлатаётгани, ёнилғи-ёқилғи материалларидан тежаб-тергаб фойдаланганига қараб қўшимча ҳақ тўланганни устидан назорат қилиб боришади. Ёш механизаторлар қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари битирувчилари у ёки бу жойда ишлай бошлаганларидан ярим йил ўтгунга қадар, шунингдек, айл.-механизаторлар учун иш нормаси уларнинг иш ҳақлари тўлиқ сақланган ҳолда 20—40 процентга камайтирилади. Бу ўз навбатида механизатор кадрларнинг бир жойда муқим ишлаб қолишлари ва меҳнат самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, текшириш чоғида қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида юқори органларнинг кўрсатмаларини бажариш соҳасида Тошкент область ва кўпгина район қишлоқ хўжалик бошқармалари ишларида қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Область территориясида жойлашган қишлоқ ҳунар-техника билим юртларига ўқувчиларни қабул қилиш планини бажаришда асосий ишчи касблари бўйнча ўрта ҳунар-техника билим юртларини комплектлаштириш таъминланмаяпти. Қишлоқ ўрта умумтаълим мактабларини битираётганлар қишлоқ ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш планини бажариш юзасидан амалий чоралар кўрилмаётир. 8—10 синфни тамомлаган қишлоқ ёшлари ва Совет Армияси сафидан бўшаган йигитларни қишлоқ ҳунар-техника билим юртларига жалб этишда область ва район қишлоқ хўжалик бошқармалари халқ маорифи органлари билан ҳамкорликда етарли даражада ташкилотчилик ишларини олиб боришмаяпти.

Кейинги икки йил (1980—1981) ичида қишлоқ умумтаълим мактабларининг тўқизинчи синфини битирганларни қабул қилиш плани ортиги билан бажарилгани ҳолда, қишлоқ ҳунар-техника билим юртларини саккизинчи синфни тамомлаганлар ҳисобига комплектлаштириш плани 70—75 процентдан ошмади. Бунинг оқибатида билим юртлари машина-трактор парклари-нинг созловчи-мастерлари, ремонтчи слесарлар, чорвачилик ва мелиорация соҳасида ишловчи механизаторлар тайёрлаш планларини муттасил равишда бажармай келмоқдалар.

Белгиланган планга мувофиқ Тошкент область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси ва область ҳунар-техника таълими бошқармаси тўртта қишлоқ ҳунар-техника билим юрти бўйича ўтган йили чорвачилик комплекслари ва фермалар учун 435 нафар малакали ишчилар тайёрлаши лозим эди. Амалда эса 338 нафар ёш кадр тайёрланди. Айни пайтда мазкур қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари бошқа соҳалар бўйнча кадр тайёрлаш планини ортиги билан ado этишган. Қишлоқ ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш бу йил ҳам ёмон ташкил этилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик органлари билим юртлари филиалларида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш ишига етарли даражада эътибор беришмаяпти. Фактлар шундан далолат берадики, колхозлар ва ҳунар-техника билим юртлари мавсумий ўқув юртлари деб ҳисоблаб, қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари филиалларини ишига етарли даражада эътибор беришмаяпти. Фактлар шундан далолат берадики, колхозлар ва ҳунар-техника билим юртлари мавсумий ўқув юртлари деб ҳисоблаб, қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари филиалларини ишига етарли даражада эътибор беришмаяпти. Қишлоқ хўжалик органлари ҳунар-техника билим юртлари раҳбарлари билан ҳамкорликда колхоз ва совхозларнинг билим юртлари битирувчиларини қабул қилишга тайёргарлиги устидан текширув олиб бормаётирлар. Бунинг оқибатида билим юртларини битирувчиларнинг муайян қисми белгиланган жойга бормай қоляпти.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқни кўп ва малакали кадрлар билан таъминлашни аграр сиёсатимизнинг ажралмас таркибий қисми деб ҳисоблайди. Колхоз ва совхозларни сиёсий жиҳатдан етук, экономика ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхши биладиган, замонавий мураккаб техника ва прогрессив технологияни мукаммал эгаллаган ишчилар, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш давримиз талабидир. Зеро, СССРнинг Озиқ-овқат программасида ҳам «Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳалари яхши тайёргарлиги бўлган раҳбарлар, мутахассислар, оммавий касбдаги кадрлар билан мустаҳкамлансин, уларнинг малакасини ошириш ва қўнимсизлигини қисқартириш таъминлансин», дейилиши ҳам бежиз эмас. Умуман, республикамиз қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларини янада ривожлантириш ва қўлаверса, Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ҳам билимдон, малакали кадрлар муҳим роль ўйнайдилар.

Ҳанузгача ҳунар-техника билим юртлари битирувчиларини белгиламаган жойларга ишга юборишда ва улардан эгаллаган мутахассисликларидан бошқа соҳада фойдаланиш ҳоллари содир бўлмоқда. 1979 ва 1980 йиллар орасида билим юртларини битирганлардан қарийб 2 минг нафар ишчи ўз мутахассислиги бўйнча ишламаяпти. Қишлоқ хўжалик органлари ҳунар-техника билим юртлари раҳбарлари билан ҳамкорликда колхоз ва совхозларнинг билим юртлари битирувчиларини қабул қилишга тайёргарлиги устидан текширув олиб бормаётирлар. Бунинг оқибатида билим юртларини битирувчиларнинг муайян қисми белгиланган жойга бормай қоляпти.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқни кўп ва малакали кадрлар билан таъминлашни аграр сиёсатимизнинг ажралмас таркибий қисми деб ҳисоблайди. Колхоз ва совхозларни сиёсий жиҳатдан етук, экономика ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхши биладиган, замонавий мураккаб техника ва прогрессив технологияни мукаммал эгаллаган ишчилар, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш давримиз талабидир. Зеро, СССРнинг Озиқ-овқат программасида ҳам «Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳалари яхши тайёргарлиги бўлган раҳбарлар, мутахассислар, оммавий касбдаги кадрлар билан мустаҳкамлансин, уларнинг малакасини ошириш ва қўнимсизлигини қисқартириш таъминлансин», дейилиши ҳам бежиз эмас. Умуман, республикамиз қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларини янада ривожлантириш ва қўлаверса, Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ҳам билимдон, малакали кадрлар муҳим роль ўйнайдилар.

Р. ЗУФАРОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ўқув-методика кабинетининг катта методисти.

Республикамиз ғаллазорларида ҳосил ўрим-йиғимга кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Ҳар бир фурсатдан оқилона фойдаланаётган Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз ғаллакорлари ҳосил ўримини ниҳоясига етказмоқдалар. Улар юбилей йилида 18 минг тонна уруғлик етиштириш мажбуриятини олишган.

Суратда: хўжаликнинг 2-бўлимида дон ўришнинг бориши.

Е. Ботиров фотоси.

ПАХТАКОРНИНГ ИҚБОЛ ЙЎЛИ

Райком бюросига қўйилган масалалар бир-биридан муҳим. Лекин вақт ниҳоятда тиғиз. Шу боисдан фикрлар лўнда, таклифлар аниқ қилиб айтилди: ғўза парваришини тезлаштириш, беда ўрими оралиғидаги муҳлатни қисқартириш ва маккажўхорига эътиборни кўпроқ қаратиш тадбирлари белгиланди. Бошқа бюро аъзолари қатори Исломжон Абдуллаев ҳам совхозларда кўрғазилари ҳақида ахборот бериб, сувдан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталди.

— Баҳорнинг қурғоқчил келиши натижасида тупроқнинг устки қатламида нам қолмади. Чигитни сув билан ундириб олишга мажбур бўлдик. Шўрхок участкаларда пастки қатламдаги туз кўтарилиб, тупроқнинг шўрланишини активлаштирди. Натижада ҳарорат кўтарилиши билан шўр ниҳолларни қисиб, илдизини чирита бошлади.

— Сизнингча нима қилиш керак? — Райком секретари лупма ташлади. — Бригадангиз ерлари ҳам шўрхокку?!

— Устки қатламдаги шўрни чўктириш, тупроқда намни ушлаб сақлаш ва ниҳолнинг ривожини тезлаштиришнинг йўли битта — маҳаллий ўғит билан озиқлантириб, сув тараш. Бу йилги шароитни ҳисобга олиб, ўқариқлар оралиғини иложи борича қисқартирган маъқул. Пушта қанчалик намланса, ниҳолга шунчалик яхши.

— Қунора шамол бўлиб, булут айланяпти. Борди-ю, ёмғир ёққудек бўлса, заҳлатиб суғорилган далаларнинг ғўзаси баттар эзилмайдими? — Кимдир Исломжонга эътироз билдирди.

— Тупроқ қовжираб ётибди, унча-мунча нам кор келмайди. Фақат дўл ёғмаса бўлди.

Райком секретари ҳам, қишлоқ хўжалик бошқармаси мутахассислари ҳам Абдуллаевнинг таклифини маъқуллашди.

Район пахтакорларининг СССР ташкил этилган кунинг 60 йиллиги шарафига олган мажбуриятлари 85 минг тонна! Шундай юксак хирмонинг тикланиши бугунги тадбиркорлик, ғайратшижоатга кўп жиҳатдан боғлиқ эканини райком секретаридан тортиб оддий сувчигача яхши билишади. Шу боисдан, ҳаммани ҳосил тақдири ташвишга соляпти. Райком бюро аъзолари бир неча кун давомида хўжаликларда бўлишиб, ҳақиқий аҳволни синчиклаб ўрганишди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳақида фикрлашиб олиш учун мана бугук тўпланишди.

Исломжон Абдуллаев ҳам бюро аъзоси сифатида ўзи ишлаётган Саркисов номли совхозидагина эмас, қўшни Қосим Раҳимов номли, Мамажон Дадажонов номли совхозларда бўлганди. Кўрганларини яширмай гапирди, уларни бартараф этиш ҳақида таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташлади. Чўқуварларга қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш, ўғитларнинг айрим турлари етишмаётгани, айниқса, маҳаллий ўғит камлиги, бу ишда даҳлдор ташкилотлар кўмаклашиши лозимлигини айтганида очиқ ва аччиқ гаплари кимларгадир ёқиқирамади. Столлар ғичирлаб, томоқлар қирилди. Лекин кўпчилик Исломжонни омилкор деҳқон, билимдон агроном сифатида қадрлашади. Деҳқончилик маданиятини кўтариш, ерга муносабат, сув ва ўғитдан самарали фойдаланиш ҳақидаги мулоҳазаларини ҳамиша қизиқиш билан эшитишади, маслаҳат сўраб, даласига боришади. Бугун ҳам уни кўпчилик диққат билан тинглаганининг боиси шунда.

Райком бюроси тугаб, ташқарига чиққанларида ҳавонинг димоғи солинган, қўкда сарғимтир тўзон қалқиб, бир-бирига талпинаётган булутлар ёпирилиб. келарди.

Машинага ўтираётганда манглайига уч-тўрт совуқ томчи урилди. «Ёғадигана ўхшайди», кўкка бир зум тикилиб турди-да, машинага ўтириб, газни босди. Поселкадан чиқиб, йўл уч томонга буриладиган чорраҳага етганда атроф қоронғилашиб, машинанинг олдинги ойнасини катта-катта томчилар қамчилай бошлади. Ён ўқаёли машинани ўнгга буриб, Тўландан хабар олиб ўтмоқчи бўлди. Қўшни — Ленин номли совхоз-техникумнинг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов бошлиқ бригада билан беш йилдан бери мусобақадош. Икки тенгдош, икки қаҳрамон шунчаки мусобақадош эмас, жонажон дўст сифатида бир-бирларининг даласида бўлишиб, ишлардан хабар олиб туришади. Ютуқлардан қувонишиб, тажрибаларини баҳам кўришади. Кўрган камчиликларини юзларига рўй-рост айтишиб, маслаҳат беришади. Беллашувнинг самимийлиги ҳар иккки коллективга ҳам қўл келяпти.

Ўтган йили Тўлан Дадажонов бошлиқ бригадада ҳосилдорлик 45 центнерданга, Исломжон Абдуллаев бригадасида эса 41 центнерданга тўғри келди. Ҳар бир ишчи бошига пахта тайёрлашда эса Абдуллаев бригадасининг қўли баланд бўлди. Ялпи ҳосилни машинада териш, юқори сортларга топшириш, ҳар центнер пахта таннархида ҳам озми-кўпми тафовутлар бор. Ана шунинг ўзи мусобақадошлар бир-биридан ўрганиши, ибрат олиши лозим бўлган омиллар борлигини кўрсатади.

Юбилей йили социалистик мусобақаси шартларини имзолаётганларида кўрсаткичлардаги тафовутлар алоҳида таҳлил қилинди. Ҳосилдорликни иккала коллектив ҳам 50 центнерданга етказиб, бригаданинг ҳар бир ишчиси ҳисобига 60 тоннадан «оқ олтин» етиштириш, ялпи ҳосилнинг 96 процентини машиналарда териб олиш ва биринчи сортга топшириладиган пахта салмоғини ошириш ҳисобига таннархини арзонлаштиришни асосий вазифа қилиб белгилашди. Иш ана шу мажбуриятларга яраша ташкил этилди.

Баҳорнинг бошланиши ёмон келмади. Исломжон СССР касаба союзларининг XVII съездига жўнайдиган кунгача чигит эниладиган 120 гектар майдон тахт қилиниб, йиллик нормадаги маҳаллий ва минерал ўғит ташиб келтирилди. Ленин Исломжоннинг нимадандир кўнгли тўлмасди.

— Сиз съездан қайтгунча сув йўлларини созлаб, сеялкаларни тракторга осиб қўямиз, — дейишди саркорнинг ташвишланаётганини сезган бригададошлари. — Илтимос, съезд залида телевизор камерасига яқинроқ жойга ўтиринг. Кўриб турайлик, — дея ҳазиллашишди.

Исломжон съезднинг президиумида ўтирди. Унинг ўша дақиқалардаги ҳаяжонини тасвирлашга қалам ожизлик қилади. Меҳнат кишисига бундан ҳам улуғроқ имтиёз борми?! У бутун съезд давомида таниқли партия ва давлат арбоблари, мамлакатимизнинг донгдор кишилари билан ёнма-ён ўтирар экан, хаёлан Ўзбекистон далаларини кезиб, ўзининг шунчалик обрў-эътиборга эришишида қанот бўлган чўлдошлари — механизатор Ҳамза Ботиров, Муҳаммад Абдуллаев, сувчилар Азимжон Отажонов, Ғуломжон Абдуллаевларни бағрига босиб, уларга таъзим қиларди.

Бугун, райком бюросида бригада пахтакорларининг юбилей йили марраси, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида ишлаб, СССРнинг Озиқ-овқат программасининг бажарилишига ҳисса қўйиш учун нималар қилишаётгани ҳақида гапирганда ҳам ғўза ниҳолларига қалб қўрини, кўз нурини, меҳр-муҳаббатини бахш этаётган ана шу азаматларга ишонди. Фақат бугун эмас, бригада зафарлари тўғрисида гап очилганда, чўқуварлар саркори шаънига олқишлар айтилганда, меҳнатлари юксак тақдирланиб, кўксига орден ва медаллар тақилганда ҳам у буларнинг ҳаммаси учун ана шу одамларга миннатдорчилик билдиради.

Ахир, улар бўлмаса, бир ўзининг қўлидан нима иш келади. Бундан йигирма йил муқаддам чўлга келганида уни ким танирди. Мана, энди областдагина эмас, республикада ҳам донгдор пахтакорлардан бири. Пахтачиликни ривожлантириш ва механизациялаштиришдаги меҳнатлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Чўлда ишлаб, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини битирди. Шуларнинг ҳаммасида бригададошларининг ҳиссаси борлигини у ҳамиша қадрлайди.

* * *

Бригада далаларида бўлганимизда, чилла сувига қониб, шонаси гулга айланаётган ниҳолларни кўриб кўнглимиз қувонди. Бир-бирига туташ уч карта бегона ўтдан тозаланиб, ўргимчаккана, кўсак қурти ва бошқа зараркунандаларга қарши ишлов берилган. Сувчи билан механизатор бир-бирининг ишини кузатишиб, меҳнат қилмоқдалар. Дала шийпонига олиб борадиган йўл бошига «СССРнинг 60 йиллигига гектаридан 50 центнердан хирмон кўтарамиз» деган сўзлар зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Уларнинг даласида бўлган одам азаматларнинг аҳди қатъийлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Ҳа, пахтакорнинг иқбол йўли фасларни бир-бирига боғлаб, чигитдан тоғ-тоғ «оқ олтин» яратиш сўқмоқларидан бошланади. Исломжон ва унинг дўстлари чўлда бундай сўқмоқлардан кўп марта қоқилмай ўтиб, улкан хирмонларга бориб етганлар. Юбилей йилида ҳам улар ўз анъаналарига содиқ қолишларига асло шубҳа йўқ.

Жамол ШАРОПОВ.
Жиззах области.

Райком бюросида таъкидланганидек, ғўзани қуёш нурига, қалб ҳароратига қондирган, сувдан, озуқадан толиқтирмай, ҳашорот ва касалликлардан эҳтиёт қилган деҳқоннинг иши беш бўлади.

Дўстлик — Гагарин йўлидан чапга бурилиб, пештоқига «Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоз», деб ёзилган дарвозадан ўтиб тўхтаган Исломжон осмонга нигоҳ ташлади. Боғи сарғимтир тўзон тарқаб, ёғиб ўтган енгилгина ёмғирдан сўнг осмон ҳам тиниқлашиб қолганди. Қуёш юзидан пардасини кўтарган келинчак мисол чарақлаб, далалар узра қайноқ ёлқинини сочарди. Ўзига, бригададошларига шон-шуҳрат келтирган далалар худди шу ердан бошланади. У бир нафас йўлнинг нариги томонидаги Ленин номли совхоз-техникум далаларига боқиб турди-да, машинасини йўл четида қолдириб, пайкал оралаб кетди.

Фарғона областининг Тошлоқ райони маркази тобора гўзаллашиб, обод бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб тураржойлар, маданий-маиший бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилянти. Район маркази кўркига кўрк қўшишда 9-қишлоқ қурилиши трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колонна коллективининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Шу кунларда мазкур кўчма колонна бинокорлари район марказининг турар-жой массивида ҳар бири 8 оилага мўлжалланган иккита замонавий уйни жадаллик билан тикламоқдалар.

Суратда: комплекс бригада бошлиғи Ғуломқодир Ҳакимов (чапдан ўнгга), прораб Қодир Турсунов ва пешқадам ғишт терувчи Йўлдошали Қодиров ўртоқлар амалга оширилаётган навбатдаги ишларни белгилаб олишянти.

Н. Раҳмонов фотоси.

ҚЎЙЧИЛИК КОМПЛЕКСИ

«Сурхондарьяоблколхозстрой» трестига қарашли механизацияланган колоннанинг коллективи Шўрчи районидаги Жданов номли колхозга шартномада ёзилганидек, қисқа муддат ичида 1400 бош қўй учун мўлжалланган типовой қўйхонани актга мувофиқ топширди. Қўйхона озуқа тайёрлаш ва тарқатиш, биноларни тозалаш, жониворларни суғориш учун мўлжалланган механизмлар билан таъминланган. Бутун территория ободонлаштирилган бўлиб, унда чорвадорларга қўшимча ёрдам кўрсатадиган бўлимлар жойлашган.

Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» ва Шеробод районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» колхозлари учун ҳам комплекс қўйхоналар барпо этилди. Қишлоқ қурувчилари қўй ва эчкиларни қиш фаслида боқиш учун хўжаликларга 14 минг бош қўй сиғадиган комплекс қўйхоналар тайёрлаб берадилар. Ана шу ишлар ҳажмининг ярми ҳозирдаёқ бажариб қўйилди.

(ЎзТАГ).

ИЛК ОДИМЛАР

Инсон қўли теккан ерда гуллар унади... Пок ният йўлида тўкилган нешана тери дуру-гавҳарга айланади.

Гўдинтог этакларида янги ташкил этилган «Тошкент» совхозида бўлганимизда яна шундай фикр-ўйлар дилимизни чулғаб олди. Узум ва мева етиштиришга ихтисослашган бу хўжаликнинг ташкил этилганига эндигина уч йил бўляпти. Чогроқ ясси тизмалар пойнигача чўзилган кенгликлар яқин йилларда ҳам тикан босиб ётган адирликлардан иборат эди. Инсон меҳнати, ақл-заковати дашт қиёфасини ўзгартириб юборди. Адирга сув чиқди. Яшил токзорлар, мевазор боғлар барпо этилмоқда.

Хўжаликнинг ички ярим минг гектардан зиёдроқ ер майдони бор. Унинг бир қисми эса ламмикор ерлар. Унинг кўпчилиги ёш токзорлар, мевазор боғлар. Сўнгги уч йил мобайнида 280 гектар майдонда токзор барпо этилди, 74 гектарга олма, ўрик, олхўри, жийанжий да каби турли хил мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Узумзор ва мевазорлар йил сайин кенгайиб борилянти. Бу йил ҳам 21 гектар ерга мевали дарахт ниҳоллари, каттагина майдонга ток кўчатлари ўтказилди. Яна анчагина ерда сабзавот, полиз, маккажўхори. беда мавжуд.

Ялғиз товуққа ҳам дон керак, ҳам сув. Бу-ку, янги ташкил этилган бутун бошли бир совхоз. Унга кўп нарса, керак: турар жой, идора, шийпон, чорвачилик биноларни ҳаммасиниям қуриш даркор. Бири биридан зарур. Шунинг учун ҳам бу ишларнинг ҳаммаси бир йўла олиб борилянти. Бир томонда ток экилаётган бўлса, иккинчи томонда қурилиш кетянти. Бир сўз билан айтганда, катта оила — янги хўжалик тўпляпти.

Совхоз директори Абдуолим Эрназаров бизни тоғ ёнбағрида барпо этилган чорвачилик комплекси томон бошлади. 220 бош сигирга мўлжалланган молхона, озуқа цехи, 800 бош чўчқага мўлжалланган чўчқахона. 14 минг товуққа мўлжалланган паррандахона... Бу биноларнинг барчаси ўтган бир йил ичида қурилибди. Бинокорлик материалларига танқислик сезилаётган бир пайтда шунча иморатни тиклаш осон иш эмас, албатта. Улар да совхознинг ёш куюнчак раҳбарининг ишчанлик, ташаббускорлик фазилатлари ёрқин намоён бўлди.

— Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли кичик бир ПМК совхозимизда ишлаётир, — деди А. Эрназаров. — У ҳам бўлса, турар-жой биноларини қуриш билан банд. Бордию, унга кўз тикадиган бўлсак, бу ишлар бир неча йилдаям битмасди. Кўриб-битиб туриб қўл қовуштириб ўтирмадик. Тоғ яқин, тош сероб. Деворларни ўз кучимиз билан тош дан кўтардик. Маҳаллий материал. Ҳам тез, ҳам арзон.

Чорвага қулай шароит яратилганлиги совхозда бу муҳим тармоқнинг тез ривожланишига олиб келди. Хўжаликнинг 550 бош қорамоли, 5200 қўйи, 6 минг дан зиёд паррандаси, 400 га яқин чўчқаси бор. Коллективнинг ҳалол меҳнати, изланувчанлиги туфайли ҳам бу ерда чорва моллар ва паррандалар сони қисқа вақтда анча кўпайиб, маҳсулдорлиги ортди.

Товуқчилик фермасидаги ибратли ишлар намуна олишга арзийди. Бу ерда товуқлардан ташқари 5 минг та ҳўжа иссиқхоналарда меҳр билан парваришланмоқда. Май ойининг охирларида улар сараланиб, хўрозлар гўштга топширилди, қолганлари серпушт товуқлар қаторидан жой олди. Кейин бу жараён такрорланади. Яна 5 минг бош жўжа олиб боқиш планлаштирилган. Бу эса ферманинг кенгайишига, парранда маҳсулдорлигининг ошишига олиб келади. Жадал тараққиёт чўчқачиликда ҳам яққол кўзга ташланади.

— Бу жуда серпушт, тез кўпаювчи жонивор бўларкан, — дейди шу ҳақда А. Эрназаров. — Ўтган йили 100 бош чўчқа сотиб олган эдик, ҳозир 400 бошга яқин лашиб қолди. Қисқа вақтда давлатга 9 тонна чўчқа гўшти топширишга улгурдик.

Эзгу ниятли меҳнаткаш деҳқон қўллари нималарга қодир эмас?! Ана шу қадоқ қўллар тоғ этагидаги бундан атиги 2—3 йил илгари бир тўп дарахт бўлмаган сувсиз адирни яшил боғларга айлантирди.

Иш кўп, ишчи кучи эса кам. Совхоз территориясида ҳозирги пайтда атиги 141 одамдан иборат. Аммо хайрли ишга улуш қўшиш истагидаги олиҳиммат одамлар топиляпти. Совхоз ташкил этилгандан буён турли тарафлардан 18 оила бу ерга кўчиб келди.

Бош план асосида марказий посёлка қурилиши қизғин давом этаётир., Дастлабки қурилган муҳташам уйларда 14 оила истиқомат қилаётир. Шу йил ва яқин келгусида яна 40 та уйни қуриб битказиб уларга 80 оилани кўчириб киритиш мўлжалланмоқда.

Янги совхозда амалга оширилаётган ишлардан кўпчилик мамнун.

— Тоғ бағридаги ферма биноларини кўргандирсиз, — деди суҳбатимиз чоғида район партия комитетининг биринчи секретари Эгам Хидиров. — Шунча ҳаҳмдаги қурилиш иши атиги бир йил ичида бажарилди. Ғайрат қилишянти, азаматлар.

Бу янги узумзорлар Булунғур узуми салмоғига салмоқ қўшадиган резервларидир. Узумчиликка ихтисослаштирилган мазкур район ўтган йили пландаги 58 минг 810 тонна ўрнига 63 минг тоннадан зиёд сершира узум етказиб бериб, юксак натижага эришган эди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган Озиқ-овқат программасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўйишга маҳкам бел боғлаган совхоз меҳнатсевар коллективи бу йил эса 70 минг тонналик марра учун қизғин кураш олиб бормоқда.

Совхознинг тоғ қияларига тутам узумзорларида дастлабки йил экилган ниҳоллар бултур нишона кўрсатди. Хўжалик ўтган йили 82 тонна узум топшириб, муносиб совға тайёрлади. Янги боғнинг янги ҳосили. Рақамлар йил сайин йириклашаверади. Давр тақозоси шу. Бугунги нов-ниҳоллар ҳам ҳадемай шигил ҳосилга кириб, район соҳибкорларининг шуҳратига шуҳрат қўшади.

Республика партия ва ҳукуматининг зарбдор меҳнат, юксак самарадорликка даъват этувчи Мурожаатнои зўр қувонч билан қутиб олган хўжаликнинг толмас билакли марду майдонлари юбилей йилида 3 минг тонна дон, 3 минг 200 тонна сабзавот, 350 тонна полиз маҳсулотлари, 113 тонна гўшт, 425 тонна сут, 108 минг дона тухум етиштиришга сўз беришди. Нисбатан камтарона бу рақамлар ҳозирча катта ишларнинг дебочаси. Улар янада бойиб, салмоғи ошаётган, ёнига узум, мева турлари қўшиладиган «тошкент»лик соҳибкорлар Булунғурнинг бақувват, пешқадам хўжаликлари қаторидан муносиб ўрин оладиган кунлар яқин.

М. ЭРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.

СУТ «ФАБРИКА»ЛАРИ

Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз территориясида чорвачилик комплекси қад кўтарди. Уни «Ташобласколхозстрой» трестининг механизациялаштирилган колоннаси хўжалик учун муддатидан илгари қуриб берди. 200 бош сигирга мўлжалланган комплексда ем-хашак тайёрланадиган цех бор, биноларда автомат суғориш қурилмалари ўрнатилган, сут соғиш установкалари монтаж қилинган.

Бўка районидаги Жамбул номли, Бағдод районидаги «Правда» колхозларининг, Қорақалпоғистоннинг Кўрқ Эллиққалъа районидаги Охунбобоев номли совхозининг территориясида механизациялаштирилган сут «фабрика»лари пайдо бўлди. «Узколхозстрой» бинокорлари хўжаликларнинг буюртмаларига биноан йил бошидан буён 70 та комплекс барпо этдилар. Тошкент области механизациялаштирилган колонналари комплексларни ишга тушириш ярим йиллик планини 3 баравар ошириб бажардилар, Фарғона ва Наманган областларида сигирлар учун механизациялаштирилган биноларни юксак сифат билан барпо этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

АГРЕССИЯ ҚОРАЛАНМОҚДА

АККРА. Фаластин халқи билан бирдамликка бағишлаб бу ерда ўтказилган миллий семинар қатнашчилари дунёда империализм, сионизм ва ирқчиликнинг агрессивлиги кучайиб бораётганлиги мусобақаси билан чуқур ташвиш билдирдилар.

Гананинг таниқли олими Ньейя Иен, Гана радиоэшитириш корпорациясининг бош директори Кваме Каркари ва бошқа нотиқлар халқаро империализмнинг ривожланаётган мамлакатлар халқларига қарши фитнасини, Тель-Авивнинг Ливанга қарши агрессиясини қатъий қоралаб ва Исроил қўшинлари шу мамлакатдан олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар. Нотиқлар Фаластин озодлик ташкилоти билан бирдамликлари учун, Фаластин халқи ҳаққоний ишини қўллаб-қувватлаётганликлари учун СССРга ва бошқа социалистик давлатларга миннатдорчилик изҳор этдилар.

ДАМАШҚ. САНА агентлиги Сурия президенти Ҳафиз Асаднинг Саудия Арабистонига қилган визити ниҳоясига етганлиги тўғрисида хабар қилиб, Х. Асад билан Саудия Арабистони қироли Фаҳд ўртасидаги музокараларда Исроилнинг Ливанга қарши агрессияси натижасида вужудга келган аҳвол муҳокама этилганлигини таъкидлайди. Исроил интервенциясини даф этиш ишида Сурия билан Саудия Арабистони ўртасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириши давом эттириш тўғрисида аҳдлашувга эришилди.

ВАШИНГТОН. Франция ташқи муносабатлар министри К. Шейсон Исроилнинг Ливанга қарши қуролли агрессиясини қоралади ва Фаластин масаласи адолатли ҳал этилиши керак, деган фикрни билдирди. У «Вашингтон пост» газетасининг муҳбири билан суҳбатда фаластинлик Араб халқини тез чўктириш ва енгиш йўлидаги уринишларнинг истиқболсиз эканлигини таъкидлади. Эртами-кечми, деди министр, унинг қонуний ҳуқуқларини ҳамма тан олиши керак бўлади. Ҳар бир халқда унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган вакил бўлиши керак, деди К. Шейсон. Фаластинликларда ҳам шундай вакил бор. Бу — Фаластин озодлик ташкилотидир. Шу боисдан Франция Фаластин озодлик ташкилоти сақлаб қолинишини ёқлаб чиқмоқда. Бу ташкилот келгусида ҳам ўзининг сиёсий фаолиятини давом эттириши керак.

МАДРИД. Испания касаба союз бирлашмалари — ички комиссиялари ва меҳнаткашлар умумий иттифоқи, шунингдек социалистик, Коммунистик партиялар ва бошқа партияларнинг ёшлар ташкилотлари бу ерда эълон қилган қўшма баёнотда бундай дейилади: «Исроил кўшинлари Ливанга бостириб кирганлиги ер юзида тинчликка солинаётган жиддий хавф-хатар бўлиб, халқаро ҳуқуқни ва бирлашган миллатлар ташкилотининг уставини жинояткорона бузишдан иборатдир».

ЖАКАРТА. Индонезиянинг таниқли сиёсий ва жамоат арбобларидан бир группаси жумладан, парламент аъзолари, мусулмон ташкилотларининг раҳбарлари, собиқ ҳарбий бошлиқлар на министрлар Исроилнинг Ливанга қарши ваҳшиёна агрессиясини қатъий қоралаётган Исроил ҳарбийларининг Ливан тупроғида қилаётган қонли жиноятларига АҚШнинг бевосита даҳлдорлиги уқтириб ўтилади.

(ТАСС).

ПЕКИНДА КЕНГАШ

ПЕКИН. (ТАСС). Хитой матбуотидаги мақолаларга кўра, адабиёт ва санъат ходимлари умумхитой уюшмаси миллий комитетининг бу ерда бўлиб ўтган ялпи сессиясида ижодкор зиёлиларнинг «жипслигига эришиш» зарурлиги яна таъкидланди. Хитойнинг бир қанча раҳбарлари иштирок этган сессияда ёзувчиларнинг доираларида шу пайтгача «гоявий-сиёсий тарқоқлик, гуруҳбозлик ва пассивлик» мавжудлиги ҳусусида ташвиш билдирилди.

Сессия материалларидан ва газеталарда эълон қилинган айрим нутқлардан маълум бўлишича, барча проблемаларни «назарий қўриш», жумладан, «Мао ғояларини» ўрганиш йўли билан ҳал этиш таклиф қилинди. Сессияда «буржуа либераллашувига қарши курашга» даъват янгради.

Бунда «Мао илгари қилган хатолар» баҳонаси остида ёки «бошқа сабабларни» рўкач қилиб, «Мао ғоялари»ни батамом рад этишга йўл қўйиб бўлмаслик таъкидланди. Сессияда мана шу ғояларни «тиклаш ва ривожлантириш» зарурлиги тўғрисида ҳам гапирилди.

Сессиянинг ўзи ҳам, унда муҳокама этилаётган қарорлар ҳам (бу қарорлар «тегишли тарзда тасдиқлангандан» кейин «директив ҳужжатлар» тусини олади), ижодкор зиёлиларни активлаштиришга ҳамда уларни Хитой раҳбарларининг ҳозирги йўли ва сиёсатини пропаганда қилишга жалб этишга мўлжалланганлиги яққол кўриниб турибди.

ПХРнинг НОРОЗИЛИГИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша НАТО мамлакатларида жойлашган радиостанциялардан ПХРнинг ички ишларига қўпол аралашиш ва халқаро вазиятни қасдан кескинлаштириш учун фойдаланаётганига қарши қатъий норозилик билдирди.

ПАП агентлигининг хабар қилишича, БМТнинг ахборот комитети сессиясида ПХР делегацияси тарқатган ёш ҳужжатида ана шу норозилик баён этилган.

Ғарбдаги баъзи радиостанцияларнинг, айниқса «Озод Европа» ва «Америка овози» радиостанцияларининг эшиттиришлари, деб уқтирилади ҳужжатда, ёлғонга ва фактларни бузиб кўрсатишга асосланган ифвогарлик руҳидаги пропагандаси ҳақиқий намунасидир. Ана шу радиостанциялар Польшани сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан беқарор қилишга интилмоқда, ПХР ҳукуматининг мамлакатда вазиятни нормаллаштиришга қаратилган ҳаракатларига тухмат қилмоқда, мамлакатда социалистик тузумни ўзгартиришга ошкора даъват этмоқда.

ПХРга қарши қаратилган бундай эшиттиришларни, деб таъкидланади ҳужжатда, Польша Халқ Республикасига нисбатан душманлик ҳуружи деб баҳолаш мумкин, халос. Бундай ҳуруж бошқа мамлакатларга нисбатан қўпорувчилик руҳидаги радиоэшиттиришдан фойдаланиш хавфини вужудга келтиради.

Ғарб радиостанцияларининг Польшага қарши кирдикорлари халқаро ҳуқуқ нормаларини, Хельсинкидаги Умумевропа кенгаши якунловчи актининг принципларини бузишдан иборатдир. Бу кирдикорлар халқаро кескинликни юмшатиш соҳасидаги ютуқларни барбод этишга қаратилган.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Лидицада ёшларнинг урушга, империализмга қарши кўпминг кишилик митинги бўлиб ўтди. Нотиқлар ўз чиқишларида планета ёшларини тинчлик учун актив кураш олиб боришга чақирдилар. Митингда 130 мамлакатдан вакиллар, жумладан Бутун жаҳон демократик ёшлар федерацияси XI ассамблеясининг делегатлари ва меҳмонлари ҳам иштирок этдилар.

Суратда: намойиш қатнашчилари.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СОФИЯ. Болгарияда ҳозирги кунларгача сақланиб қолган энг кўҳна кўприк Кюстендил округида Струма дарёсининг соҳилларини бирлаштирган. 100 метрли бу кўприк 1469—1470 йилларда чорси тош плиталардан қурилган. Йўл юзи катта кичик бешта ровақ устидан ўтади, шуларнинг ўртадагиси энг баландидир. Ўтган асрлар кўприкнинг пишиқлигига шикаст етказа олмаган. Замонавий транспорт серқатнов бўлишига қарамай кўприк одамларга ҳеч яхши хизмат қилишда давом этмоқда.

ЛОНДОН. Капиталистик дунё экономикасидаги умумий тушкунлик ҳамда кемалар кирасига буюртмаларнинг камайиб кетганлиги натижасида жаҳон савдо флотининг касодлиги давом этмоқда. Британия кема қатновли бош кемагашнинг бу ерда маълум қилишича, 1981 йилнинг 1 декабридан 1982 йилнинг апрелигача ўтган беш ой ичида портларда бекор қолган савдо кемаларнинг жами тоннаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қариб икки баравар кўпайиб, апрелнинг охирида 48,3 миллион регистр тоннани ташкил қилган. Жаҳон савдо флотининг жами 739 катта савдо кемаси портларда туриб қолган. «Файнэншл таймс» газетасининг ёзишича, жаҳон савдо кема қатновли 1978 йилнинг сентябридан бери бунчалик бекор туриб қолмаган.

САН-ФРАНЦИСКО. Америка ишчиларининг ҳаёти қанча туради? Мичиган штати маъмуларининг фикрича 210 доллардан ортмайди. Улар «Иммонт корпорейшн» компаниясига айни шунча жарима солдилар. Компаниянинг Гранд-Рапидс шаҳридаги заводида маъмурият хавфсизлик техникаси энг оддий нормаларини бузганлиги натижасида бир ишчи ноёб бўлган эди. Америка коммунистларининг «Пиплз уорлд» газетаси мана шу факт ҳақида ғазабли хабар берди.

БРАЗИЛИЯ кончилик саноати ва энергетика министри Зесар Калснинг фикрича, янги конниг катталиги жиҳатидан бундан 15 йил аввал Амазонка чангалзорларида дунёда очилган энг катта Каражас фойдали қазилма конларидан қолишмаса керак. Бу конинг разведка қилинган запасларида таркибидаги темир 66 процентгача борадиган 20 миллиард тонна темир рудасидан, бошқа катта металл руда конларидан иборат.

* * *

Бразилия чангалзорлари ҳозиргидек кесила берса орадан 20 йил ўтгач Амазонка дарёси ёнидаги ҳамма тропик ўрмонлар йўқ бўлади, деб хабар қилади Амазонкани тадқиқ этиш миллий институти.

Бразилия Амозиниясн Жанубий-Шарқий Осиёдан бу ерга келган кўп миллатли компаниялар вахшиёна фаолиятининг майдони бўлиб қолди. Бу кишилар Жанубий-Шарқий Осиёдаги тропик ўрмонларни қариб батамом йиқитиб бўлганлар. (ТАСС).

ЙИЛЛАР ОША ТОБЛАНГАН ДЎСТЛИК

СССР 60

Ишчилар қадрдон цехларига заводнинг меҳнат ва жанговар шон-шуҳрати музейи ёнгинасидан ўтиб борадилар. Кенг ва файзли майдондаги гуллар, манзарали дов-дарахтлар ҳар бир кишига яхши кайфият бағишлайди. Музейдаги экспонатлар кишини гоятда ҳаяжонга солади. Чунки уларда кўп миллатли Ватанимиз халқларининг метиндек мустаҳкам дўстлиги, тенглиги, қон-қардошлиги ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Заводнинг савдо дўконларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг кўпгина хилларини учратиш мумкин. Ширин-шарбат маҳсулотлар ишчиларга серқуёш Ўзбекистондан —ана шу диёрнинг мард ўғлони Рўзимат Усмонов яшаб меҳнат қилаётган «Шарқ юлдузи» колхозидан етказиб берилади.

...1942 йили ёзёвонлик Рўзимат Усмонов жанг майдонларида, ураллик Нурулла Базетов эса меҳнатда мардлик, қаҳрамонлик кўрсатиб, донг таратдилар. Оғир, суронли йилларда бу икки ажойиб инсон ўртасида мустаҳкам дўстлик қарор топди. Ўша йили Н. Базетов махсус пўлат ишлаб чиқаришдаги муваффақияти учун Ленин орденини, Рўзимат Усмонов эса жанглардаги жасорати эвазига Қизил байроқ орденини олишга муяссар бўлди. Характеристики шуки, фронтга қўлдаб ўқ-дори, қурол-аслаҳа етказиб берганлиги учун завод ҳам Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Бу икки фидокор кишилар ўртасидаги дўстлик алоқалари аслида қуйидагича бошланган эди. Зиммасига оширилган мажбурият олиб ишлаётган Нурулла Базетовнинг ватанпарварлик ташаббуси ҳақидаги хабар Рўзимат Усмонов хизмат қилаётган ҳарбий қисмга ҳам етиб келди. У стахановчилик ҳаракатида иштирок этаётган Н. Базетовга ёзган хатларидан бирида шундай деган эди:

—«Ҳурматли ўртоқ Базетов! Мен сизни кўрмаганман. Ёшингиз, оилангиз тўғрисида ҳам тасаввурим йўқ. Верх-Исетск металлургия заводида Алексей Сорокин билан мусобақалашиб ишлаб, Мартен печида ҳар квадрат-метр ҳисобига пўлат ишлаб чиқариш ҳажмини ўн тоннага етказганлигингизни газетадан ўқиб ҳайратландим. Сизга маъқул бўлса хат ёзишиб турсак. Ахир иккимиз ҳам ягона мақсад —немис-фашистларни яксон қилиш учун бор имконимиз билан курашяпмиз-ку!

Жанговар ҳаётимдан гапирсам урушнинг биринчи кунларидаёқ фронтдаман. Ана шу вақт ичида қанчадан-қанча фашистларни ер тишлатдим. Келинг, Сиз Мартен печи ёнида, мен эса жанг майдонларида душманга қарши курашайлик.

Салом билан орденли қизил аскар Рўзимат Усмонов. 1942 йил».

Ҳарбий қисмдан олинган мактуб пўлат эритувчиларни ҳаяжонга солди. Кўп ўтмай Н. Базетов жавоб хати йўллади. «Ҳурматли ўртоқ Р. Усмонов, дея бошлаганди у ўз мактубини. —Хатингизни завод ишчиларининг митингида ўқиб эшиттирдик. У куч-ғайратимизни, меҳнатшижоатимизни гоят ошириб юборди. Ҳар бир ишчи кунлик нормасини икки ҳисса бажармай туриб, иш жойидан кетмасликка ваъда берди. Қадрдон дўстим, ҳозир ҳар биримиз ўзимизни сизлар билан ёнма-ён деб биламиз. Ўзлик куч-қудрати нималарга қодир эканлигини ҳамма кўриб қўйсин. Ёвга ўлим».

1943 йилнинг апрель ойида Р. Усмонов командирлик қилаётган бўлинма Днепр учун бўлган жангларда иштирок этарди. Гитлерчилар неча бор қарши ҳужумга ўтиб, ўз позицияларини мус таҳкамлашга уринди кўрдилар. Бироқ, катта қурбонлар бериб, орқага чекинишга мажбур бўлишди. Ана шу тенгсиз олишувларда Р. Усмонов чинакам қаҳрамонлик кўрсатди. Оғир ярадор бўлишига қарамай, душман истеҳкомини биринчи бўлиб ёриб ўтди ва ҳушидан кетиб йиқилди. Шу куйи госпиталда ўзига келди. Узоқ вақт даволанди. 1946 йили у ҳам ғалаба нашидасини суриб ,она қишлоғига қайтди. Лекин узоқ вақт қадрдон дўсти Базетовдан хабар тополмай юрди. Кейинчалик маълум бўлишича, таниқли металлургга «Қадрдон дўстингиз Р. Усмонов Днепр учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди» деган хабар юборилган экан. Р. Усмонов ўзини меҳнат фронтига урди. Ишлаб чиқаришда ҳам намуна кўрсатиб ишлади. Кўксини «Ҳурмат белгиси» ордени безади. Шунингдек, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвонини олишга мушарраф бўлди.

Кунларнинг бирида у Свердловск телестудияси томонидан суратга олинган «Нурулла Базетов» ҳужжатли фильмни кўриб дўстини қайта топди. Дарҳол йўлга отланди. Улар Ураль тупроғида биринчи марта юзма-юз учрашишди. Н. Базетов дўстига қирқдан зиёд миллат вакиллари ишлайдиган жонажон заводнни, ўз цехини кўрсатди, Мартен печлари Рўзимат Усмоновни ҳайратга солди. У иссиқликда товланаётган печни кўрсатар экан, —бизнинг Фарғона ҳавосидек ҳароратли, —деди кулимсираб.

Шу куни яъни 1967 йилнинг 23 февралида завод маданият саройида учрашув кечаси ўтказилди. Унда дўстлар яна мусобақа тўғрисида сўз юритишди. Энди мусобақа шартлари пенсиядаги Н. Базетовнинг ўғли пўлат эритувчи Фарид Базетов билан тузилди...

Ҳа, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Верх-Исетск металлургия заводи билан Ёзёвон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Нурулла Базетов ҳозир орамизда йўқ. Лекин, у бошлаган эзгу ишни ўғли Фарид Базетов ва шогирдлари давом эттиришмоқда.

Ю. УСМОНОВ.
Фарғона область, Ёзёвон райони.



Учқўрғон районининг Қўғай қишлоғидаги шифохона хирургия бўлимининг мудири Анваржон Шокиров тажрибали шифокорлардан бири. Ўз ишининг устаси бўлган бу жарроҳ ҳозиргача қариб 5 минг операцияни муваффақиятли ўтказди.

Суратда: А. Шокиров ва Учқўрғон район даволаш-санитария бирлашмасининг бош врачи М. Қўшбахтиевалар бемор билан суҳбатлашишмоқда.

Х. Хайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

МАШҒУЛОТЛАРГА ШАЙ

Қува район халқ маорифи ходимлари Фарғона областида биринчи бўлиб мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар янги ўқув йилига тайёр эканлиги тўғрисида рапорт бердилар. 43 та умумий таълим мактаби, мактаб-интернат, тўртта ўқувчиларни ишлаб чиқариш комбинатларининг бинолари ремонт қилинди. Кўпгина ўқув юртларни ўқитишнинг янги техникавий воситалари билан жиҳозланди, устахоналар станоклар ва асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Мактабларни оталиққа олган «Коммунизм», Жданов номли, Охунбобоев номли колхозларнинг ва бошқа хўжаликларнинг қурилиш бригадалари мактабларни ремонт қилишда маориф ходимларига катта ёрдам бердилар.

«ОРЗУ» КЛУБИ ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА

Гулистон шаҳридаги янги — тўртинчи микрорайонда «Орзу» клуби очилди. Бу клубни оталиққа олган ташкилотлари — 1-ий-жой коммунал бўлимининг, уйсозлик комбинатининг, музика билим юртининг коллективлари болаларга туҳфа қилдилар. Бу коллективлар хоналарни жиҳозладилар, мебель, келтириб бердилар, клубни зарур нарсалар билан таъминладилар. «Орзу» клубида тасвирий санъат ва хор, моделларини ясаш, бичиш-тикиш, радио ва фото, шахмат-шашка тўгараклари ташкил этилган.

Янги ўқув йилида Гулистондаги барча микрорайонларда болалар клубларини ташкил этишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ҲАР ТЎҒРИДА

МАГНИТЛИ ТЕМИР ЙЎЛ

Германия Федератив Республикасида магнитли темир йўл қурилиши бошланди. Бу йўл бўйлаб поезд соатига 400 километргача тезликда ҳаракат қилади. Бунга қалинлиги 10 миллиметрли магнитли «ёстиқ»лар ёрдами билан эришилади.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ УЛЬТРАТОВУШ

Австриянинг фирмаларидан бири яратган ультратовушли асбоб озиқ-овқат саноати корхоналаридаги кемирувчилар ва хашаротларга қирон келтириш имконини беради. Ультратовушнинг генератори товушлар тебранишини сақланаётган хонага йўналтиради ва зараркунандаларнинг йўлини тўсади.

ТАРЖИМОН СОАТЛАР

Японияда вақтни кўрсатиш билан биргаликда инглиз, француз, испан, немис ва япон тилларидаги текстларни таржима қиладиган қўл соатлари савдога чиқарилди. Кнопкани босиш билан таржима қилиш лозим бўлган текст индикаторда кўринади. Бошқа кнопка босилиши билан ўша текстнинг таржимаси индикаторда пайдо бўлади. Бундай соатлар қариб 1,5 минг сўз ва энг кўп ишлатиладиган 36 та иборани ўз «ёди»да сақлай олади.

ХАТ ТАШУВЧИ ТУЯЛАР

Ҳиндистоннинг Ражастан штатида туялардан хат ташишда фойдаланишади. «Сахро кемалари» почта идораси хизматида қўрғоқчилик йилларида, мактубларни узоқ чўл районларига етказиб бериш оғир бўлиб қолган пайтда пайдо бўлган эди. Туялар жуда мураккаб иқлим шароитларида ўзларининг яхши томонларини кўрсата билганликлари учун ҳам бундан буёғи улардан мунтазам равишда фойдаланишга қарор қилинди. Ҳиндистоннинг бошқа штатлари ҳам ражастанлик ҳамкасбларн тажрибасини қабул қилиб олдилар.

(ТАСС).

Спорт

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Курашнинг самбо тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз ёшлари муваффақиятли қатнашдилар. Шунисн эътиборга лойиқки, СССР терма командаси сафида иштирок этган пахтакор ўлкамизнинг уч нафар самбочиси ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

СССР терма командаси ёшлари мазкур йирик мусобақада бошқа терма командалар сафидаги тенгдошларидан устун эканликларини тўққиз вазнда исботлашди. Жумладан 48 килограммгача бўлган вазнда гилам беллашувлари ўтказган жамбуллик Б. Оспанов дастлабки олтин медални қўлга киритди. 60 килограммгача бўлган вазнда эса тошкентлик А. Жуманов ўз кураш усули билан мутахассис ва мухлислар эътиборини қозонди. Натижада бу иқтидорли самбочимиз ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасини банд этди. Иккинчи бир вакилимиз В. Рябинин эса 87 килограммгача бўлган вазндаги ёш самбочилар беллашувида ўзини кўрсатиб, олтин медални қўлга киритди.

Яна бир тошкентлик самбочи — Ш. Шатров ҳам ўз маҳоратини намойиш этди. Шавкат ҳал қилувчи финалда Монголия спортчиси Н. Батлов билан куч синашиб, имкониятни бой берди. Натижада у жаҳон чемпионатининг кумуш медали билан тақдирланди.

ДАВИДОВ— ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

Рус шашкаси бўйича «Буревестник» Ўзбекистон Совети чемпионати иноҳоясига етди. Эркаклар ўртасида ўтказилган мазкур биринчилик томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Маълумки, Сергей Давидов халқаро шашка бўйича ўтказилган чемпионатда зафар қучган эди. У рус шашкаси бўйича бўлган биринчиликда ҳам муваффақият қозонди. Давидов чемпионат ниҳоясида саккиз иконитдан беш очко тўплаб, Ўзбекистон Советининг чемпиони бўлди.

Биринчиликда конкурсдан ташқари иштирок этган В. Черкасский ва Л. Броклар ҳам чиройли комбинацияларга бой ўйинлар намойиш этдилар. Улар охирги турдан сўнг беш ярим тадан очко тўплашга муваффақ бўлишди.

Биринчиликнинг кумуш медали билан В. Дутов тақдирланди. А. Кан эса бронза медалини қўлга киритди.

МАҲОРАТ КУРИГИ

Москвадаги Битц от спорти комплексида чаванд-озлар ўртасида СССР шахсий команда чемпионати старт олди.

Чемпионатда мамлакатимизнинг номдор чавандозлари қатори, кўплаб ёшлар ҳам иштирок этишмоқда. Дастлабки кунги мусобақада улар ўз маҳоратларн ошиб бораётганлигини кўрсатишди.

Чунончи Кичик соврин учун ўтказилган баҳсда украиналик Ольга Сирож зафар қучди. У ўтган йили чемпионатда ҳам муваффақиятли қатнашган эди. РСФСР вакили Татьяна Ненахова эса иккинчи натижани кўрсатди.

Олимпиада чемпиони Юрий Ковшов машқларни кўнгилдагидек бажара олмай, тўртинчи ўрин билан кифоялланди. Кеча чемпионат иштирокчилари Катта соврин учун ўзаро мусобақалашдилар.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

Кекса ғазалхонлар ижодидан

МАРДОНА ИШЛАЙДИ

Ватан ишқида деҳқон чарчамай, мардона ишлайди,
Уруғ ташлаб заминга биттадан, минг дона ишлайди.
Қаламча ўтқазиб жоним ерига худди бир боғбон,
Дилим сайр айласин эл деб, чаман, гулхона ишлайди.
Само юлдузлари ҳам бир улуғ ишга эрур маъмур,
Улуғ халқим учун кўкда баланд кошона ишлайди.
Кўзим ишхонасда ҳар нафас ҳикматли мардумлар,
Севинчдан ёрима тақмоқ учун дурдона ишлайди.
Фалак котиблари ҳам тўхтамай заррин қалам билан,
Ҳақиқатни ёзар, ҳаргиз деманг афсона ишлайди.
Омонлик дилбарининг бошидан айланғали офтоб,
Фалакда зарралардан беҳисоб парвона ишлайди.
Ватан шайдоларининг рашки йўқ бир-бирларидан ҳеч,
Бернбон қўлни-қўлга, бирлашиб, дўстона ишлайди.
Дебон бегоналар берди савол, мунча ширинсизлар,
Дедим: мунга сабаб шул, жон билан жонона ишлайди.
Ингирма ёшни саксондан бу йил қаллак уриб Чустий,
Бўлиб олтмиш яшар даврон билан мардона ишлайди.

ЧУСТИЙ.

МЕНИ

Маҳрум этма эй кўнгил дўст, ошнолардан мени,
Асрагил доим дегум катта хатолардан мени.
Яхши ният ёрти мол, умид билан инсон яшар,
Ҳеч узоқлаштирмагил зўр муддаолардан мени.
Коммунистик эътиқодим ҳамдаму ҳамроҳ менга,
Иўлдан оздирма турқи қаролардан мени.
Иш тутиб тўғри, адолатдан мудом эл бирла мен,
Мнинг шукурким, халқ деди жони фидолардан мени.
Ичга сиғмас шодлигимким, бўлганимдан коммунист,
Баҳраманд этди ҳаёт куй-наволардан мени,
Эз Каримжон, шеър, ғазал, сўзлардан ўтлар чақнасин,
Бир умрга яхшилар сақлар балолардан мени.

Каримжон РАҲИМЗОДА.

ОНА НАСИҲАТИ

Эй ўғил, диққат билан айтган сўзимга сол қулоқ,
Сўзларимга сен яна аччиғланиб, қилма фироқ.
То синаб кўрмай туриб ҳар кимса бирла бўлма дўст,
Ким ҳақиқат парвари ким бўлса, унга бўл иноқ.
Сен чаённинг захридек, қилма тилингинг захрини,
Бир заҳарли сўз билан неча кўнгилга қўйма доғ.
Сенга жон қандай ширин бўлса, бировга ҳам ширин,
Ур ўзингга аввало, сўнгра бировга ур пичоқ.
Ҳеч қачон дўст бўлмагай ақлинг билан жаҳлинг сенинг,
Келса жаҳлинг ҳар қачон, ақлинг кетар сендан йироқ.
Бу бало нафсинг Али, билгин ашаддий душманинг,
Ҳар нафасдан бу бало нафс бошинга ургин таёқ!

Али МУҲАММАДҚУЛОВ.

Табиат ва инсон

СОЙ СУВЛАРИ— ЛАЛМИКОРЛИККА

Республикамизнинг лалмикор ерлари катта табиий имкониятларга эга. 3414 минг гектар майдонни ишғол қилган баҳорикор ерларнинг 1800 минг гектардан ортиғи ҳайдаш ва суғориш учун яроқли. Бироқ, ҳозир ана шу ерларнинг фақат 52 процентига яқини ҳайдаладн. Қолган қисми деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантиришдаги катта резервдир.

Лалмикор ерлардан унумли фойдаланишнинг тўғри йўлларидан бири тупроқ намлигини ошириш мақсадида заминга яхоб бериш-дир. Чунки республика лалмикор ерларининг фақат 28 процентигина баҳорикор деҳқончилик учун қулай. Қолган майдонларда эса ҳосилнинг тақдири ёғин-сочин миқдори ва тупроқдаги намлик режими билан боғлиқ. Тоғ ва тоғолди районларида ердаги намлик йилнинг иссиқ даврида намайиб кетиб, тупроқ анча қуриб қолади. Серёғин ва салқин йилларда тупроқда нам узоқроқ сақланиб, кўп жойларда июнь ойининг иккинчи ярмида қурғоқчилик юз беради. Ёғин-сочин кам бўлган йилларда эса тупроқ қурғоқчилиги май ойининг биринчи кунларидаёқ бошланади.

Тупроқдаги намнинг йилдан-йилга ўзгариб туриши экинларнинг тури ва ҳосилига салбий таъсир кўрсатади. Лалмикорликда бошоқли дон экинларининг бошқа экинларга нисбатан устун бўлиши ҳам кўпинча табиатнинг ана шу ҳодисаси билан изоҳланади.

Лалмикор ерларда деҳқончилик қилаётган хўжаликлиқлар серёғин келган йилларда бугдой ва арпанинг ҳар гектаридан 12—22 центнергача ҳосил олмоқдалар. Қурғоқчилик йиллари бошоқли дон экинларининг ҳар гектаридан олинган ҳосил 3—4 центнердан ошмайди. Бинобарин, лалмикор районларда тупроқ намлигини ошириш ва экинларни бевақт қовжираб қолишдан сақлаш —ҳосил учун қураш демакдир. Тупроқнинг намлик даражасини ошириш йўли билан лалми экинлар ҳосилдорлигини кўтаришда тоғ сойларининг сувидан фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади.

Биргина Фарғона водийсида 6500 дан ортиқ сой бўлиб, шундан фақат Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида 120 дан зиёд ўрта ва катта сойлар бор. Кичик сойлар бундан ҳам кўп. Сурхондарё, Чирчиқ ва Оҳангарон каби дарё ҳавзаларида ҳам тоғ сойлари беҳисоб. Туркистон, Моргузар ва Нурота тоғларининг шимолий ва жанубий ёнбағирларини юздан ортиқ жилғалар кесиб ўтади.

Тоғ ва тоғолди районларида тарам-тарам бўлиб оққан бу жилғаларнинг сув режими лалмикор деҳқончиликни ривожлантириш учун жуда қулай. Тоғ жилғаларининг ёзги сувидан деҳқончилик ва чорвачиликда фойдаланилса-да, қиш ва баҳорда сувлар кўпинча беҳуда оқади. Ваҳоланки, тоғ сойларининг қишки ва баҳорги сувлари лалмикор деҳқончиликни янада ривожлантиришда катта резервдир. Тўлдаги сув қишда ерга яхоб тариқасида берилиб, баҳорда лалми экинлар майсасига оқизилса, ҳосилдорлик бир мунча ошган бўлар эди. Масалан, сойлардан яхоб олинган Галлаорол районининг баъзи бир участкаларида бугдой ҳосилдорлиги уч баравар, Чироқчи районида кунжут, маккажўхори ва полиз экинлари ҳосилдорлиги эса икки баравар кўпайди. Каттақўрғон ва Нурота районларида тарвуз-қовунинг ҳар гектаридан 200 центнердан ошириб ҳосил олинди.

Яхоб берилган лалмикор майдонларда боғ ва токлар яхши ривожланади, беда ва ҳашакдан юқори ҳосил олинади. Ўрмончиликни ривожлантириш ва ихоталаб экилган дарахтларнинг ўсиши учун қулай шароит туғилади.

Тоғ сойларининг сув манбалари катта эканлиги яна шундан ҳам маълумки, фақат Зарафшон ҳавзасининг ўнг томонидаги сойларнинг суғориш имкониятлари ҳоҳ бир неча ўн минг гектардан ошиб кетади. Сойларнинг сел сувларидан оқилона фойдаланилса, ҳосилдорлик шубҳасиз ошади. Бу борада ҳамма тоғ ёнбағирларидаги сойларнинг бирбиринга ёнма-ён жойлашиши ва деярли параллел оқиши қулай табиий имконият туғдиради. Бунинг устига, ҳозирги замон илмий-техника тараққиётининг бориши, маҳаллий жойлардаги қурилиш ташкилотларининг техника имкониятлари сой сувларини жиловлаш ва уни лалмикорликда фойдаланишни осонлаштиради.

Қишлоқ хўжалигимиз учун бебаҳо ғавҳар бўлган тоғ сойларининг табиати ва сув режими ҳозирга қадар тўла ўрганилмаган, сув имкониятлари ҳисобга олинганича, шаҳтаҳаш, ҳўжалик нуқтаи назаридан баҳолаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ташкил этиш каби муҳим масалалар билан шуғулланган бўлур эди.

Дарҳақиқат, сой сувларидан лалмикорликда фойдаланиш учун зарур бўлган барча тадбирларни амалга ошириш шу куннинг муҳим вазифаси бўлмоғи керак.

А. САИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашининг катта илмий ходими, география фанлари кандидати.

ЭКРАНДА ЖУМА

9 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида.
12.05 «Кафедра». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Ҳужжатли фильмлар программаси:
«Россиянинг қишлоқ хўжалиги ўн биринчи беш йиллиқда».
«Қишлоқдаги ўзгаришлар».
«Фойдали коэффициенти».
16.00 СССРнинг монументал санъати.
16.30 «Москва комсомолининг ишлари».
17.00 Рус тили.
17.30 «Ёш томошабин театри». «Ақлли типратикон». Қўғирчоқ спектакль премьераси (ВХР). 1-ва 2-қисмлар.
18.25 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурсда. 3-тур.
19.10 «Дунё воқеалари».
19.25 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали.
19.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 1/2 финал.
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти И. Архипова ижросида рус ва совет композиторларининг А. С. Пушкин шеърларига ёзган романслари.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «Икки Арбат», «Москва бўйлаб саёҳат» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм. «Москва этюдлари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси.
9.55 «Биринчи рейс». Телевизион бадиий фильм.
11.10 Мактаб ўқувчиларининг вице-адмирал Н. С. Каплунов билан учрашуви. Киевдан олиб кўрсатилади.
12.00 Инглиз тили.
12.30 СССР Большой театри оркестри солистларининг ансамбли чалади.
13.20 «Пан Тау». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия — «Эртадан бошлаб мен жодугарлик қилмайман».
13.50 Шахмат мактаби.
14.20 Мультфильмлар программаси.
14.50 «Поэзия». Нозим Ҳикмат.
15.40 «Музикали киоск».
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Болалик остонасидан ўтиб». Ҳаётда йўл танлаш, ўсмирларда маънавий фазилатларни шакллантириш ҳақида.
19.20 «Виталий Горяев қалами». Ҳужжатли фильм.
19.40 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 СССР халқ артистлари А. Райкин, Е. Мирошниченко, УССР халқ артисти Ю. Богатиков, Марио Дель Монако (Италия) ва бошқалар иштирокида музикали программа.
21.30 «Время».
22.05 «Деярли кулгили воқеа». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун. «Фонарик» [такрорий].
12.00 Абитуриентлар учун. «Иншони қандай ёзиш керак!».
12.30 «Бизнинг Чукоккала». Фильм-спектакль [рус.].
13.25 «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Билмасвой қуёшли шаҳарда». Мультфильм.
18.45 Шифокор суҳбати.
19.00 «Усмир ва қонун».
19.30 «Ахборот» [рус.]
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ҳужжатли кино экрани». Кўрсатув Озарбайжон ССРга бағишланади.
20.30 «Ахборот».
20.50 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Ҳаёт, санъаткор ва томошабин». Ўзбекистон ССР халқ артисти Ёқуб Аҳмедов.
00.05 Янгиликлар.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ» «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 07326 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1063. 13